ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ЖОРИЙ ЙИЛ 24-27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ "БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИ ТАДБИРЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ХИТОЙДА БЎЛАДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-y. 25-APREL, №17 (1162)

АЛИМЕНТДАН БЎЙИН ТОВЛАЁТГАН 12 НАФАР ҚАРЗДОРГА НИСБАТАН МАЪМУРИЙ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНДИ. 3

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ МАНСАБДОРИ ФЕРМЕРЛАРГА «СУВ ТЕКИН» ЭМАСЛИГИНИ ТУШУНТИРМОҚЧИ БЎЛДИ. 4

УЮШМА РАИСИ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАН ФУҚАРОДАН 7300 ДОЛЛАР ТАЛАБ ҚИЛДИ. 7

ФИРИБГАР ТАДБИРКОР БИЗНЕС ҲАМКОРЛИК БАҲОНАСИДА ТАНИШИНИ САЛКАМ 100 МИНГ ДОЛЛАРГА ЧУВ ТУШИРДИ. 9

СОТУВГА ТАЙЁРЛАНГАН ҲОМИЛА

Янгийўл шаҳрида ўлдига чиқарилиб, 100 долларга сотиб юборилган чақалоқ воқеаси *аслида қандай бўлган эди...*

ҚОНУН БОР-У, ЛЕКИН...



ЖОРИЙ ЙИЛДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ИИБ ППХБ ШАХСИЙ ТАРКИБИ ТОМОНИДАН ТИЛАНЧИЛИК ҚИЛИБ ЮРГАНЛИГИ УЧУН 814 НАФАР ФУҚАРО УШЛАНГАН.

5-бетда

МЕН НИМА ЁЗЯПМАН?

Оммавий ахборот воситаларида суицидлар ҳақидаги хабарлар суицидал хавфи бор ёш ёки ижтимоий жиҳатидан ўхшаш гуруҳларда ўз жонига қасд қилишларни чақириши мумкин.

4-бетда

МИБ ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯНИНГ ҲАҚҚИНИ УНДИРИБ БЕРДИ

Тошкент туманлараро Иқтисодий судининг қарздор "Toshkent qishloq xo`jaligi texnikasi zavodi" АЖдан ундирувчи Жанубий Корея Республикасининг "Hanwoo Global CO.LTD" компанияси фойдасига 5 миллион 246 минг сўм ва 554 613,48 АҚШ доллари (сўмга нисбатан конвертация қилинганда 4 миллиард 439 миллион 615 минг 516 сўм) ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижроси таъминланди.

Бюронинг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан қарздор ташкилотга мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш учун ихтиёрий беш кунлик муддат берилди. Бироқ қарздор томонидан ижро ҳужжатида кўрсатилган талаблар бажарилмади.

Шундан сўнг мажбурий ижро ҳаракатлари яна давом эттирилиб, жорий йил 22 февраль куни чет эл валютасида ҳисобланадиган қарз ундирувини қарздорнинг сўмдаги пул маблағларига қаратиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мазкур ҳужжат АТ "Асака" банкининг Тошкент шаҳар филиалига юборилди.

...ижро йиғими билан жами 4 миллиард 832 миллион 429 минг 343 сўм ундирилди.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздордан ижро йиғими билан жами 4 миллиард 832 миллион 429 минг 343 сўм ундирилди.

Ундирилган маблағ даъвогарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Убайдулла АЗАМОВ,
МИБ Мирзо Улуғбек туман бўлими бошлиғи

АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган даъватидан келиб чиқиб, Республика Бош прокурорининг ташаббуси билан жойларда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

Ойбек МУСТАФАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Республика Бош прокурорининг ўринбосари Акмалхўжа Мавлонов 20 апрель куни Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида сайёр қабул ўтказди. Унда ариза билан мурожаат этган 73 нафар фуқаро қабул қилинди. Келиб тушган мурожаатларнинг 20 таси жойида ҳал қилинган бўлса, қолган 53 таси алоҳида назоратга олинди.

Сайёр қабулга келган 8 кишига ногиронлик аравачаси берилди. Шунингдек, мурожаат қилганлардан Нормамат Нарзиевга ўғлини даволатиш учун 12 миллион сўм пул, Муртоз Маматқуловга вилоят эндокринология марказига, "Каҳлак" МФЙда яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Нилуфар Мавлоновага туман тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлимига, унинг ўғли Даврон Кўчимовга Республика кўкрак жарроҳлиги илмий текшириш марказига, Маърифат Бўроновага Республика кардиология илмий-текшириш марказининг Қарши филиалига йўлланма (ордер), унинг ўғли Самариддин Латиповга даволаниши учун бепул дори-дармон берилди. Бундан ташқари, 4 нафар фуқарога газ баллони, бир нафарига газ плитаси берилди.

Фуқаролар мурожаатига мувофиқ туманнинг "Тинчлик" МФЙ ҳудудидаги 4 километр йўлни таъмирлаш ишларини зудлик билан амалга ошириш учун топшириқ берилди. Ишни тўрт кун ичида ниҳоясига етказиб, бу ҳақда ахборот бериш, мазкур маҳалладаги яроқсиз ҳолга келиб қолган электр симёғочларни янгисига зудлик билан алмаштириш масъуллар зиммасига юкланди.

Қабул давомида 11 та кам таъминланган оилага 29 бош чорва моллари берилди.

Сайёр қабул доирасида меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 8 нафар фуқарога ишга кириш учун йўлланма берилди, 25 нафар фуқаро эса ишсиз сифатида рўйхатга олинди. 11 та кам таъминланган оилага 29 бош чорва моллари берилди.

Жорий йилнинг 17 апрель куни Сирдарё вилоят прокурори 2-сектор раҳбари Р.Машарипов томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Оқолтин туманида сайёр қабул ўтказилди.

ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Сайёр қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятидаги "Халқ қабулхонаси" раҳбари Х.Қўлдошев, вилоят прокуратураси бўлим бошлиқлари, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи И.Қутлимуродов, Оқолтин туман ҳокими Д.Фозилов, шунингдек, вилоят ва Оқолтин тумани ташкилотлари раҳбарлари ҳамда бошқа масъул ходимлар иштирок этишди.

Сайёр қабулга келган 152 нафар фуқародан 44 нафари ўз муаммолари билан мурожаат қилишди. Улардан 15 нафарининг муаммолари жойида ҳал этилиб, 8 та муаммони кўриб чиқиш масъул ташкилотлар раҳбарларига юклатилди ва 21 нафар фуқаронинг мурожаатларида қайд этилган масалалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди. Жумладан, Оқолтин тумани, «Аҳиллик» маҳалласи, Халоскор кўчасида яшовчи Абдураззоқ Ҳақбердиевга Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида даволаниш учун йўлланма (ордер) олиб берилиши таъминланди. Шунингдек, фуқаро Абдужалил Сафаровнинг мурожаати бўйича маҳалладаги уйларнинг ҳовлисида тўпланиб қолаётган сизот сувларни чиқариш учун махсус техника воситалари билан зовурни тозалаш ишларида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, қабул жараёнида ногирон фуқаролар — Мукаррам Холбекова ва Нурмуҳаммад Маҳкамовга ногиронлик аравачалари, Дилором Абдурахмоновага эшитиш мосламаси, Алижон Абдуллаевга қўлтиқтаёқ берилди.

Шунингдек, уй-жойга муҳтож бўлган 12 нафар фуқаронинг якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш ҳақидаги мурожаатлари қабул қилиниб, қисқа муддатда кўриб чиқиш учун туман ҳокимлигига тақдим қилинди.

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот тармоғи

Халқ билан мулоқот қилиш, жойларга чиқиб фуқароларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш бугун давлат идораларининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

ЕЧИМ САРИ ЙЎЛ

Гулшаной ЎРАЗБАЕВА,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Хоразм вилоят прокурори Ж.Хатамовнинг Шовот туманидаги 8-сон мусиқа мактаби биносида ташкил қилинган оммавий қабулида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шовот туманидаги Халқ қабулхонаси раҳбари, тумандаги 4 та сектор раҳбарлари ва барча идора-ташкилотлар мутасаддилари ҳам иштирок этдилар.

Қабул жараёнида 67 нафар фуқаро 86 та масала бўйича мурожаат қилди. Мурожаатлар таҳлил қилинганида, энг кўпи уй-жой ва ер ажратиш масалалари бўйича бўлиб, 17 тани ташкил қилди. 12 таси аҳоли бандлиги, 3 таси соғлиқни сақлаш, 5 таси суд-ҳуқуқ, 7 таси ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ. Шунингдек, газ, электр энергияси ва сув таъминотини яхшилаш, мактаб таълими, йўл қуриши ва бошқа масалалардаги мурожаатлар ҳам тингланди. Муаммоларнинг 2 таси жойида ҳал қилинди. 75 таси қўшимча ўрганиш талаб қилиши боис назоратга олинди, 9 таси бўйича асослантирилган ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Қабулга ташриф буюрган туманнинг "Истиқбол" маҳалласида яшовчи фуқаро Меҳрибон Кўчқорова ишга жойлашишда амалий ёрдам сўради. Шу ернинг ўзида аёлнинг туман ободонлаштириш бошқармасига ишга қабул қилиниши таъминланди. Қабулда қатнашаётган фуқаролар 24 та оғзаки ва ёзма равишда аризалар бердилар.

Урганч туманидаги Ғойбу қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биносида туман мутасаддилари иштирокида ташкил қилинган сайёр қабул ҳам самарали бўлди. 68 нафар фуқародан 80 та масала бўйича мурожаатлар келиб тушди.

Ушбу туманда ҳам энг кўп мурожаатлар уй-жой ва ер ажратиш масалаларига тааллуқли бўлиб, 20 тани ташкил қилди. 4 та мурожаат бандлик, 5 таси соғлиқни сақлаш, 16 таси газ, электр ва сув таъминотини яхшилаш, 7 таси кредит олиш билан боғлиқ бўлди, 6 тасида йўл қурилиш соҳаси, 5 тасида моддий ёрдам олиш, 4 тасида пенсия ва нафақа билан боғлиқ ва бошқа муаммолар акс этди. Муаммоларнинг 2 таси жойида ҳал этилди. 72 таси қўшимча ўрганиш талаб қилиши боис, кўриб чиқиш учун назоратга олинди. 6 таси бўйича асослантирилган ҳуқуқий тушунтириш берилди.

— Анчадан бери иссиқхона қуришни ният қилиб келардим. Бунинг учун шахсий маблағимиз етмасди. Кредит олишда муаммоларга дуч келгандик. Вилоят прокурорига мурожаатимиз жойида ҳал қилинди. "Халқ банки" Урганч туман филиали 30 миллион сўм кредит ажратадиган бўлди, — дея ўз хурсандчилигини ўртоқлашади О.Хондурдиева.

"Туркманлар" маҳалласида яшовчи Д.Аннасова эса доимий иш ўрнига эга бўлганидан мамнун.

Гурлан туманида ташкил қилинган сайёр қабулга 124 нафар фуқаро ташриф буюрди. Уларнинг 33 та муаммоли мурожаатлари тингланди. Мурожаатларнинг 3 таси турар жой, 6 таси ер майдони, 2 таси суд тизимидаги, 4 таси кадастр тизими, 4 таси бандлик билан боғлиқ ва бошқа муаммолардир. 5 та мурожаат жойида ҳал қилинди, 19 таси назоратга олиниб, тегишли идора-ташкилотларга топшириқлар берилди, 9 тасига тушунтиришлар берилди.

Аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф қилиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадидаги сайёр қабуллар жадвал асосида давом эттирилади.

TADBIR

Тошкентда «ҳуқуқ баҳори»

Мамлакатимиз тарихида илк бор 25-27 апрель кунлари Тошкентда "Tashkent Law Spring" халқаро юридик форуми ўтказилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ушбу форумни ўтказиш кўзда тутилган эди.

"Тараққиёт стратегияси" марказида форум олди матбуот анжумани ташкил этилди. Матбуот анжуманида форум Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётгани таъкидланди.

Сўнгги икки йил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этган кенг кўламли ўзгаришлар даври бўлди. Қисқа давр ичида Ҳаракатлар стратегияси доирасида 90 дан ортиқ қонунлар ва икки мингдан зиёд Президент, ҳукумат фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Энг яхши амалиётлар, илғор тажриба ва таклифлар миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш имконини бермоқда.

Форумда қатнашчилар давлат ва жамиятнинг жадал ўзгариш даврида ҳуқуқ қандай бўлмоғи керак, деган саволга жавоб топишади.

Мазкур форумга юриспруденция соҳасидаги мингдан зиёд вакиллар дунёнинг 37 мамлакатидан ташриф буюради.

Форумнинг амалий дастури "Сифатли бошқарув", "Суд устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш", "Фаол инвестициявий сиёсат" йўналишлари бўйича 17 та сессияни ўз ичига олади.

"Суд экспертизаси" ва " Нотариат" мавзуларига оид давра суҳбати, Ўзбекистон инвестиция муҳити, давлат хизматлари ва фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар бўйича тақдимотлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг юриспруденция соҳаси вакиллари жонли мулоқот ва қулай шароитларда дунёдаги мураккаб ва қизиқарли масалаларни бугунги кунда сармоядорлар учун яратилаётган имкониятлар ва уларга қаратилган чақириқлар бўйича муҳокама қилиш имконига эга бўлади.

Ўз мухбиримиз

Жорий йил 23 апрель куни «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Қарори қабул қилинди.

ҚОНУН БОР-У, ЛЕКИН...

Кейинги пайтларда кўчаларда, зиёратгоҳлар атрофида тиланчилар кўпаймоқда. Биз эса ўша тиланчи муҳтож эмаслигини, биздан кўра бойроқ яшашини била туриб, пул узатамиз. Регистону Шоҳизинда каби шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларида улар меҳмонлар, сайёҳлар олдида бизни шарманда қилаётганини билиб туриб индамаймиз. Хорижлик сайёҳлар уларни «самарқандликлар» деб билиши ҳам алам қилмай қўйди.

Азимжон ҚОДИРОВ,
«Huquq»

Энди ҳар қадамда уларга дуч келяпмиз. Бозорлар, ўқув масканлари, истироҳат боғлари, умумий овқатланиш масканлари... Қаерда бўлманг, қаерга борманг, албатта бир банда бир нималар деб ғўлдираб қўл чўзиб туради. Энг ачинарлиси, улар кун сайин кўпаймоқда ва биз ҳам кўникмоқдамиз.

Бунақа ҳолатни барча шифохоналарда кузатиш мумкин. Айрим шифохоналарда юришнинг иложи йўқ. Дарвоза олдида, кириш йўлагига бемалол жойлашиб олишган. Бунча тиланчи қаердан топилдийкин?! Нега шифохона маъмурияти эътибор бермайди? Ҳар ким ўз ҳудудини қўриқлаши керак. Қўриқлаш деганда нафақат хавфсизлик жиҳатдан, балки юриш-туриши ифлос, дард билан олишаётган ёки уларнинг ҳолидан хабар олгани келганлардан садақа "талаб қилувчи" одамлардан ҳам қўриқлаши керак эмасми?! Чунки даво истаб ёки давола-наётган яқинини кўргани келган одам билан тиланчининг катта фарқи бор.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳозир ҳар бир боғча, мактаб, лицей ва коллежларда хавфсизлик чоралари қатъий кўрилмоқда. Ҳатто хавфсизлик хизматлари жорий қилинаяпти. Шифохоналар ҳам ўзига хос шароитидан келиб чиқиб, муайян чора-тадбирларни амалга оширса, фойдадан холи бўлмасди.

Чорраҳаларда ҳам тиланчилар пайдо бўлаяпти. Она битта машинага, қизчаси бошқа машинага қўлини чўзиб бораверади. Бу ҳолатни индамай кузатиб тураверсак, яқин орада эгалланмаган бирорта светофор қолмаса керак. Бирор ногиронни оппоқ кийинтириб, ногиронлар аравачасига миндириб йўл четига чиқариб қўйиш ҳам "янги бизнес ғояларидан бири". Булар шаҳримизнинг икки-уч жойида пайдо бўлди.

Кўчадан раҳбарлар ҳам, меҳмонлар ҳам, қонун ҳимоячилари ҳам ўтади. Лекин ҳеч ким эътибор қилмайди. Ички ишлар ходимлари қаёққа қараяпти? Бир машинага қўл чўзиб бораётган қизчани ёки йўл четида ҳаммани "дуо" қилаётган ногиронни машина босиб кетса нима бўлади?

Самарқанд вилоят ИИБ ППХБ ва ЖТСБдан олган маълумотда келтирилишича, Самарқанд шаҳар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган тезкор профилактик тадбирлар давомида аҳоли гавжум жойлар, бозорлар, истироҳат боғлари, вокзал, кўчаларга ҳар бир маҳаллада, туристлар экскурсия қиладиган тарихий обидалар жойлашган ҳудудларда, тиланчилик билан шуғулланаётган шахслар билан Самарқанд вилояти ИИБ ППХБ ҳамда шаҳар ИИБ профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда Самарқанд вилояти ИИБ ППХБ шахсий таркиби томонидан дайди ва тиланчилик қилиб юрганлиги учун 814 нафар фуқаро олиб бориб топширилган. Шундан вилоят ИИБ Реабилитация марказига олиб бориб топширилган дайдилар 643 нафарни, тиланчилик қилиб юрганлар эса 53 нафарни ташкил этади.

Аммо,натижа қани?

Қонунга кўра, аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий касалликлари, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек, шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тиланчиликка жалб этиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилган бўлса, 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Биз эса бу борада маълумотга эга эмасмиз.

Бир жойда пайдо бўлган тиланчининг "бўлди, етади" деб кетганини ким кўрибди? У мустаҳкамроқ ўрнашади. Секин-секин боласини, ёрдамчисини ёки шогирдини олиб келади. Ҳеч ким индамаса ва яхшигина даромад келиб турса, бу кимга ҳам ёқмайди, дейсиз.

Шаҳримизда улар жуда кўпаймоқда ва оёққа киргани қўлини чўзиб кўчага чиқмоқда.

Имом ал-Бухорий мажмуаси атрофида маҳаллий аҳолидан тиланчилар гуруҳи пайдо бўлгани лол қолдирди. Хўш, нахотки уларни жиловлашнинг иложи бўлмаса? Иложи бор, фақат хоҳиш керак.

Бу мавзуда кўп ва хўп ёзилган. Биз бу катта муаммонинг бир четини томоша қилдик. Ушбу мақола ҳам шу мавзудаги кўплаб мақолалар сингари эътиборсиз қолишини истамаймиз.

FAOLIYAT

Бола кўнгли ўксимасин

Обиджон СОБИРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мактабга бораётган икки болакайдан бири: "Дадамга ёдлаган шеърларимни айтиб бердим. Кундаликдаги баҳоларимни кўриб хурсанд бўлдилар", деди болаларга мағрурланиб. Тилаволди Азаматжонга нима дейишини билмай каловланди. "Мени дадам алоҳида яшайди, ойда бир алимент бериб туради", дея олди, холос.

Оиланинг дарз кетиши, ота-онанинг ажралиши, аввало, фарзанд дилини жароҳатлайди. Ўксиган кўнгилга ҳеч нима малҳам бўла олмайди, ҳеч нима ота ва она меҳри ўрнини босолмайди. Афсуски, аксарият ҳолларда арзимаган тортишув бора-бора газак олиб, эр-хотиннинг бир-биридан кўнгли қолиши ёхуд қайнона-келиннинг чиқиша олмаслиги каби баҳона-ю сабаблар туфайли ажралишлар юз бериши натижасида меҳрга зор болаларнинг кўнгли ярим бўлиб қолмоқда.

Фарғона вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида Фарғона политехника институтида ташкил қилинган, 500 нафардан зиёд фуқаро иштирок этган тадбирда ажралишларнинг олдини олиш, алимент тўловларини ундириш, қарздорларни ишга жойлаштириш ҳамда ажрашган оилаларни яраштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, 70 нафарга яқин қарздорнинг ишга жойлаштирилиши, алимент ундируви уларнинг ойлик иш ҳақларига қаратилиши таъминланди. Шунингдек, 67 та ижро ҳужжатлари бўйича 212 миллион сўмга яқин алимент пуллари ундирилиши, бу билан 67 нафар вояга етмаганнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинишига эришилди. Энг муҳими 16 та ёш оила яраштирилди.

Тадбирда 16 та сайёр суд мажлислари ташкил этилиб, алимент тўловларидан мунтазам бўйин товлаб келган 12 нафар қарздорга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Яқинда Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳудудий туман бўлимларида хизмат қилаётган ходимларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ота-оналар билан учрашув

Марғуба АМОНОВА,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

Учрашувга ўз фарзандининг меҳнат фаолиятига, олиб бораётган хизматининг заҳматли, шу билан бирга, нечоғлик шарафли эканига бефарқ бўлмаган ота-оналар ташриф буюришди.

Тадбирни бошқарма бошлиғи О.Бозоров кириш сўзи билан очиб берди. Сўнгра Мажбурий ижро бюроси фаолиятига оид видеоролик йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда ёш ходимларнинг ишчанлик қобилиятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлигига холисона баҳо бериб, уларнинг фаолиятини баҳолаш, шу билан бирга, масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш, уларда янгиликни сезиш ва ўз соҳасининг устаси бўлиш каби хислатларни шакллантириш юзасидан сўз борди.

Учрашувда прокуратура органлари олдида турган асосий вазифаларни бекаму кўст бажариш ҳар бир Бюро ходимидан юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан ёндашиб, доимий изланишда бўлишни, янгича фикрлашни ҳамда фаолиятда янгилик яратишни тақозо этиши айтиб ўтилди.

Тадбир сўнггида тизим олдида турган шарафли вазифаларни лозим даражада бажариш, энг аввало, Бюро тизимида меҳнат қилаётган ходимларга бевосита боғлиқлиги, бу борада уларга устозлари ва ота-оналари тўғри йўл кўрсатишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Жорий йил 23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мен нима ёзяпман?

Бугун биз, журналистиканинг нонини еяётган соҳа ходимлари ким ўзарга ишлаётгандекмиз. Кимнинг мақоласи муҳимлиги, аҳамияти, озуқавийлиги билан эмас, балки қанча ўқилгани билан машҳур бўлаётган журналистга айланиб қолдик. Бирор нарса ёзишдан аввал журналист этикаси, мавзуни ёритиш қоидалари ҳақида ўйлаб кўрмаяпмиз ҳам.

Очиқ-ошкоралик деб, бугун ҳаммасини рўйи-рост айтяпмиз. Вазирлик ва идораларнинг сайтларида соҳа янгиликлари бериб борилянти. Ҳуқуқ-тартибот идоралари сайтида берилаётган хабарлар оммани жуда қизиқтиряпти. Журналистлар бу жараёнда аҳолини огоҳлантиришда "елкадош" бўлмоқда.

Айнан битта мавзуга тўхталмоқчиман. Мен (журналист) бугун нима ёзяпман?

Психологияда ўзига ва ўзгаларга зиён етказувчи хулқ-атвор деб белгиланадиган тушунча бор. Бунда ёшнинг фарқи йўқ. У истаган ёшда юзага чиқиши мумкин. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам ОАВда гапириш фойда бермайди. Лекин бугунги кунда ОАВ ўзига зарар етказувчи ахлоқ ҳақида очиқча ва энг ёмони ортиқча гапиришда давом этмоқда. Айниқса, ёшлар, ўсмирлар ўртасидаги айни ҳолатлар ҳақида кўп ёзиляпти.

Бундан нима наф? Бу очиқлик белгиси эмас. Этиканинг бузилиши, холос.

Бундай мавзуда ёзилган ҳар бир мақола жуда тез машҳур бўлаётгани бор гап. Лекин бу каби хабарлар гўёки вирусга ўхшайди. Кўринмасдан онгни, тиниқ тасаввурни хиралаштиради. Оддий жамоатчилик, ёшлар, ахборот қабул қилувчи буни билмас. Аммо журналист ўзи нимани ёритиши, қай бири жамият ривожи учун кераклигини англаши керак эмасми? Зеро, "Олдига қўйганни емоқ ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ..."

Психологларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларида суицидлар ҳақидаги хабарлар суицидал хавфи бор ёш ёки ижтимоий жиҳатидан ўхшаш гуруҳларда тақлидий ўз жонига қасд қилишларни чақириши мумкин. Бу ҳолат "Юқиш эффекти" ёки "Вертер синдроми" деб аталади. Бундай номланишига — Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" номли асаридан кейин қайд қилинган суицидлар тўлқини сабаб бўлган. Шу сабаб Европанинг турли мамлакатларида бу асарни чоп этиш тақиқланган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бу каби ҳолатларни меъёрида ёритишга мўлжалланган қўлланмалар АҚШ, Австралия, Австрия, Янги Зеландия, Канада, Германия, Япония, Швейцария каби мамлакатларда мавжуд. Австрия ва Швейцарияда ўтказилган тадқиқотлар берилган кўрсатмаларга амал қилиш аҳоли қатламлари орасида суицидларнинг пасайишига олиб келишини исботлаган. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб "Вертер синдроми" газета ва телевиденидаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳақидаги репортажлар, турли фильм ва телесериаллар қаҳрамонларининг суицидал хатти-ҳаракатлари суицидал фаолликка таъсир кўрсатиш даражаси тизимли тадқиқ қилинган. Масалан, Мерилин Монро суицидидан кейин кўпгина америкалик ёш аёллар ўз жонига қасд қилган. 1994 йилда машҳур "Нирвана"гуруҳининг яккахони Курт Кобейннинг ўз жонига қасд қилишидан кейин ёшлар орасида бир қатор ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилган.

Оммавий ахборот воситалари маълумот бериш учун ишлаши рост. Аммо уни зарарли, фарзандлар онгига салбий таъсир этадиган маълумотлар билан тўлдириш шарт эмас. Кимўзарга ўқувчиларни жалб этиш ҳам салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
журналист

Ерга уруғ қадаётган деҳқон мўл ҳосил олишни мақсад қилади. Айниқса, фермерлар режадаги ҳосилни олиш ниятида жон-жахди билан курашади. Аммо сув бўлмаса, уларнинг ҳаракатлари бир пул.

Сувни сотмоқчи бўлди

Музаффар ҚИЛИЧЕВ,
Самарқанд вилоят прокуроринининг катта ёрдамчиси

Зоҳриддин Темиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олти йилдан бери Сув хўжалиги вазирлиги Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибидаги "Мирза Пай" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб келади. У шу тизимга кирувчи Булунғур, Жомбой, Пайариқ ва қисман Жиззах вилояти Бахмал туманлари фермер хўжаликларига каналлар, сув қулоқлар, ариқлар ва бошқа сув тизимига сув бериш, сувни тўхтатиш ва бошқа ишларга масъул эди.

Амалдаги низом талабларига кўра, ирригация тизим бошқармалари сув истеъмолчиларига уларнинг оғзаки ёки ёзма талабига асосан сув беришга Зоҳриддиннинг ваколати йўқ.

Бибисора Салимова тоғасига тегишли фермер хўжалиги ерларининг бир қисмидан фойдаланиб келади. У маккажўхори ва кунгабоқар экди. Лекин унинг экинларига ҳа деганда сув келавермади. Ҳосилдан қуруқ қолмаслик учун аёл кўп уринди. У З.Темировга қўнғироқ қилиб, экинларига сув жуда зарурлигини, иложи бўлса, сув очиб беришини илтимос қилиб ёрдам сўради.

— Бир ярим-икки миллион сўм пул бер, сув очиб бераман, — деди Зоҳриддин.

Бибисоранинг унинг тамагирлигидан жаҳли чиқди. Шундай бўлса-да у билан гаплашиб олишга келишди.

Улар "маслаҳатлашиб" олиш учун ошхонага киришди. Бибисора экин ерларига сув келмаётгани ва суғоришга қийналаётганини яна бир бор тушунтириб ўтди.

— Сиздан бошқа яна нечта фермер бор? — деб сўради З.Темиров.

— Тўртта, мен билан бешта, — деди аёл.

Зоҳриддин тўрт бармоғини кўрсатиб, имо қилди. Бибисора ҳайрон бўлди. Кейин бирдан телефондаги суҳбат эсига тушди.

— Бу нима деганингиз. Долларми, сўмми? — деди аёл.

— Тўрт ярим миллион сўм йиғиб бersангиз, сув очишда ёрдам қиламан, — деди халқ манфаатидан кўра ўз эҳтиёжларини устун қўйган бошлиқ.

Экинларини тезроқ суғоришни ўйлаётган аёл кўп ўйлаб ўтирмади. Зоҳриддин каби тамагирларга тегишли жазо тайинланиши чорасини кўрди. У билан бўлган суҳбатни ёзиб олиб, тегишли жойга арз қилди.

Тезкор тадбир уюштирилди. З.Темиров аёлдан 4 миллион 500 минг сўм пулларни олаётган пайтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Шунингдек, текширишларда ирригация тизими бошқармаси бошлиғининг бир неча кун аввал буйруқ асосида лавозимидан озод этилган бўлса-да, ҳанузгача жавобгарлигидаги моддий қийматга эга бўлган буюмлар, транспорт воситаси, муҳр, штамп, хизмат хонасининг калити кабиларни далолатнома асосида топширмагани маълум бўлди.

Суд ҳукми билан З.Темиров 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Фуқаро манфаати — қонун ҳимоясида

Бекзод ГАФФОРОВ,
Денов туман прокуроринининг ўринбосари

Прокуратура қонунларни назорат қилувчи орган бўлгани боис, унинг зиммасига улкан масъулият юкланади. Шунингдек, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, прокуратура органлари ходимлари ҳар бир ариза, шикоят ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатини кўриб чиқиб, фуқароларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Денов туман прокуратураси органлари томонидан ҳам мазкур қонун ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашга, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили туман прокуратурасига 3 минг 755 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 1 минг 575 таси ҳал этилган, 385 та юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган. Жумладан, ЯТТ "Кенжаев Жасур" хусусий корхонаси раҳбари Ж.Кенжаев туман прокурори номига ариза билан мурожаат қилиб, "Водий" маҳалласида яшовчи фуқаро Ф.Маллаев сотиб олган 58 миллион сўмлик клёнканинг пулини бир ойда беришни ваъда қилгани, аммо орадан олти ойдан ошиқ вақт ўтса-да, бермаётганини баён қилган. Туман прокуратураси томонидан хусусий корхона манфаатини кўзлаб, фуқаро Ф.Маллаевдан 58 миллион сўм маблағни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, Ж.Кенжаевнинг мурожаати қаноатлантирилди.

Шунингдек, тумандаги "Буюк келажак" маҳалласида яшовчи фуқаро Р.Раҳмонов ва бошқаларнинг "Хайрабод пахта тозалаш" АЖдан иш ҳақларини ундириб беришни сўраб, Бош прокуратуранинг "Ишонч телефони"га йўллаган мурожаати туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Прокуратуранинг аралашуви билан АЖдан 17 нафар фуқаронинг жами 38,6 миллион сўм миқдоридаги иш ҳақи пластик карточкасига тушириб берилди.

Бундан ташқари, "Буюк ипак йўли" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро З.Мустафақулов ва бошқаларнинг АТ "Асакабанк" Денов минибанкидан имтиёзли кредит олиш масаласида амалий ёрдам сўраб йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилиб, уларнинг мурожаати қаноатлантирилди. Уларга чорвачиликни ривожлантириш учун банкдан кредит олиб берилиши таъминланди.

Жорий йил 1 майдан олий ўқув юртига ҳужжатларни онлайн топшириш мумкин. Энди исталган миллий ОТМга ҳужжатларни Давлат хизматлари марказлари орқали ёки my.gov.uz портали орқали юбориш имкони яратилди.

MULOHAZA

ВАТАНГАДОЛАР ҚИСМАТИ

Эрта билан қабристонга келиб, дарвозадан ичкарига кирган гўрковнинг кўзи кафанга ўралган ҳолда четда ётган майитга тушиб, донг қотди. Ўзига келгач, тегишли жойга хабар қилди. Кўп ўтмай расмий идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари етиб келишди. Майит ким, эгаси борми? Ким уни бу ерга ташлаб кетган? Ҳамманинг боши қотди. Унинг шахсига аниқлик киритиш учун кафанни очиб кўришди. Буни қарангки, ҳаммаси лозим даражада, барча керакли расм-русумлар адо этилган ҳолда бажарилган. Шунингдек, суд тиббий экспертлар томонидан қотиллик аломатлари қайд этилмади, майит кексалик туфайли вафот этгани ҳақида хулоса берилди. Сўраб-суриштиришлар ҳам натижа бермади. Майитнинг шахси аниқланмади ва у шу қабристонга дафн этилди.

Гофуржон АЛИМОВ,
"Huquq"

Бундан йигирма-йигирма беш йиллар муқаддам бўлиб ўтган бу воқеа қайси қабристонда юз берган, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Аммо дафн маросимида иштирок этган бир қариянинг гаплари худди кеча айтилгандек:

— Бу бояқишнинг Худога айтгани, қилган савоб амаллари бор экан-да! Йўқса, кимлиги, нима иш қилганини ҳеч ким билмайди. Шундай бўлса-да, ўлиги хор бўлмади, жанозаси ўқилди, диний арконларимиз бўйича дафн этилди...

Орадан шунча вақт ўтиб, интернет тармоқларида диний бузғунчи ақидаларни тарғиб этувчи, тинчликсеварликка хилоф қарашларни ўзида акс эттирувчи зарарли даъват ва шарҳлар урчиб, дунёнинг ҳали у, ҳали бу ерида шаҳарлар вайрон бўлаётгани, бегуноҳ одамлар қурбон бўлаётгани ҳақида эшитганда беихтиёр ўша отахон айтган гапларнинг мағзини чақандек бўлади, киши.

Аслини олганда, эс-ҳуши жойида, Ватанига, оиласига меҳр-оқибатли инсон борки, шу юрт келажаги учун қайғуради, меҳнат қилади, керак бўлса жонини ҳам фидо қилади. Аммо айрим тўғри йўлдан адашганлар учун Ватан, оила деган тушунчалар бегона. Бундайлар муқаддас динимизни ниқоб қилиб, тинч-осуда яшаётган инсонлар ҳаётини заҳарлашга олиб келувчи ақидаларни тарғиб қилишга уринадилар. Балоғат остонасидаги, яхши билан ёмон, оқу қора, эгри-ю тўғрини фарқлаш даражасига етмаган ёшларнинг қалбини жароҳатлаб, онгу шуурини заҳарлайдилар, тафаккурига чанг солиб, тўғри йўлдан оздирадилар.

Таъкидлаш лозим, диний таълим доимо эзгуликни тарғиб қилиб, одамларни ҳалоллик, поклик, ватанпарварлик, ҳалол меҳнат, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод ҳамда инсоф-диёнатга бошлайди. Қолаверса, мамлакатимизда виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланади ва ҳурмат қилинади.

Шундай бўлгани ҳолда, афсуски, юқорида қайд этганимиздек, на миллати, на дини маълум манкуртларга монанд кимсалар аҳоли тинчини бузмоқда, бузғунчиликларни амалга оширмоқда. Энг ачинарлиси, бундан биринчи галда бегуноҳ, норасида болалар жабр кўрмоқда. Бу аччиқ ҳақиқатни халқаро ташкилотлар ҳам бот-бот таъкидламоқда. Хусусан, ЮНИСЕФ Бош директори Генриетта Фор ўтган 2018 йил суриялик болалар учун уруш давомидаги энг ҳалокатли йил бўлганини маълум қилганининг ўзи ҳам, бу қирғинбарот қанчалар аянчли оқибатларга сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда.

"Биргина 2018 йилда қуролли тўқнашувлар натижасида 106 нафар бола ҳалок бўлди ва бу уруш бошлангандан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Бу БМТ томонидан тасдиқланган расмий кўрсаткич, аслида қурбонлар сони кўпроқ бўлиши мумкин", — дейди Генриетта Фор.

Айни ўйнаб-куладиган, ўқиб-ўрганадиган болакайларнинг айби нима? Нима учун улар болалик қувончидан, бахтидан мосуво бўлишлари керак?!

Афсуски, ана шу қилмишларни сизу бизга ўхшаган, инсон деган номга эга жоҳиллар содир этишмоқда.

Шукрки, инсон бўлиб яралганмиз. Совуқ бўлса, иссиқ кийинамиз, иссиқ беҳаловат қилса, сояга ўтамиз. Кондиционерни ёқиб қўйсак, на совуқ, на иссиқ бизга чўт эмас. Сув ичгимиз келди ё қорнимиз очди, — марҳамат, крандан оқиб тушаётган сувдан, ё дўкондан салқин ичимлик олиб, мириқиб симиринг. Хоҳланг уйда ўзингиз истаган таомни тайёрлаб, овқатланинг, хоҳланг бирорта ошхонага кириб, тамадди қилинг. Тобимиз қочса, тез ёрдам-у шифохоналар амримизга мунтазир. Бундан ташқари, ўқиб-ўрганиш, касб эгаси бўлиш, меҳнат қилиш, турмуш қуриш, фарзанд кўриб, уларнинг тарбияси билан шуғулланиш каби ҳуқуқларга ҳам эгамизки, бошқа жонзотлар буларнинг арзимаган қисмига эгалик қилиши мумкин, холос.

Ҳайвонлар-чи?! Улар одамдан фарқли ўлароқ, ёзнинг жазирамасидан, қишнинг қаҳратон совуғидан ҳимоялана олмайди. Уларнинг ҳам касал бўлиши бор, бироқ шифокорларга мурожаат қилолмаса... Бемалол ўтлашига ҳам қўйишмайди. Аксарияти қариганида албатта бошқа йиртқичнинг ўлжасига айланади.

Инсон эса кексайган пайтда фарзандларининг ардоғида бўлади. Вақти етиб қазо қилганида ҳам ювиб-таралиб, иззат-ҳурмат билан сўнгги йўлга кузатилади. Шундан кейин ҳам қабрини зиёрат қилиб, яхши сўзлар билан эсланиб, руҳи шод этиб турилади.

Ўқиганмиз, эшитганмиз, яқин ўтмишда баъзи юртдошларимиз турли сабаблар билан ватанини ташлаб, хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлишган. Ватан тупроғини бир бор бўлса-да, кўзларига суртишга муштоқ бўлиб, юрт соғинчи ила дунёдан ўтишган. Шукрки, истиқлол шарофати билан ҳозир хорижга йўллар очиқ: ўқиш, ишлаш, тижорат ёхуд саёҳат қилиш истагидаги одам бемалол хоҳлаган мамлакатига бориб, мақсадини амалга ошириши мумкин. Шундай бўлгани ҳолда, жоҳиллар-нинг қутқусига учиб, уларга эргашиб, Сурия ядаги жангарилар сафига қўшилиб кетаётган айрим юртдошларимиз ҳам борки, уларнинг қилмишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Уларнинг раҳнамолари каби манкуртдан нима фарқлари бор?! Бу билан эртага нимага эришишмоқчи? Эртани кўйиб, бугун улар қўлга киритган "савоб" амалларга кўз югуртириб кўрайлик:

Биринчидан, улар ватанидан айрилиб, ватангадо, хоин деган ном орттириб, ота-оналари-ю, яқинларининг юзини ерга қаратишди.

Иккинчидан, оиласи бағрида, жигарлари қуршовида тўйлар қилиш, бемалол ўйнаб-кулиш, ўқиш-ишлаш, дам олиш, даволаниш каби имкониятлардан бир умрга маҳрум бўлишди.

Учинчидан, инсондан ўзга жонивор-ларга монанд на ҳузур-ҳаловатда яшай олишади ва на иштаҳа билан овқатланишади. Ўринга ётганларида ҳам кўзларига тинч, хотиржам уйқу келмайди.

Тўртинчидан, энг аянчлиси эса қариганларида (албатта, агар кексайиш насиб этса) фарзандлари уларга суянчиқ бўлишидан мосуво бўлишди. Қазоси етганда ким сўнгги сафарга кузатар экан?! Аксинча, бундайларга аввало, қариш ҳам, жаноза ўқиш ҳам насиб этмаса керак?! Шундай бўлгач, улар ўзлари қазиган чоҳга вақтидан аввалроқ ўзлари тушиб, жасадлари ҳам хор бўлиши муқаррар.

JARAYON

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Сардорбек КАРИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Афв этиш ҳукм қилинган шахсга нисбатан инсонпарварлик ифодаси бўлиб, уни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилади ёки суд томонидан белгиланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштиради, судланганликни олиб ташлайди. Афв этиш ҳукм қилинганга нисбатан индивидуал тарзда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва жиноят содир қилингани фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Фармони талабларига кўра, ЖКнинг 150-163, 244[1], 244[2], 244[3] ва 246-моддаларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинганларнинг афв этиш ҳақидаги илтимосномалари афв этиш масалалари бўйича материалларнинг нусхалари билан бирга Олий суд, Бош прокуратура ва ДХХга юборилади. Мазкур органлар маҳкумларни афв этиш имконияти тўғрисидаги ўз хулосаларини бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларининг Фуқаролик, афв этиш ва сиёсий бошпана бериш масалалари бўйича шўъбасига тақдим этадилар. Ушбу хулосалар Афв этиш масалалари бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилади.

2017 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ 2700 нафар фуқаро афв этилиб, уларнинг 399 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этганлар ташкил этади.

Шунингдек, 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Фармонга мувофиқ 226 нафар фуқаро афв этилиб, уларнинг 40 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 39 нафарини чет эл фуқаролари, 37 нафарини аёллар, шунингдек, 51 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Охирги икки йилда тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган 600 нафардан ортиқ фуқаро афв этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма етти йиллиги байрами арафасида халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларни янада юксак намоён этиш мақсадида 2018 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон имзоланди.

Фармон билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар фуқаро афв этилди, улардан афв этилганларнинг 5 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 135 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларнинг янада юксак намоён бўлишини эътироф этган ҳолда, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, жиноят йўлига билиб-билмай кирган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, уларга ҳаётда ўз ўринларини топиши учун имконият бериш мақсадида 2018 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон имзоланди.

Фармон билан тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 136 нафар фуқаро афв этилди. Улардан 6 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 2 нафарини чет эл фуқаролари, 3 нафарини аёллар, шунингдек, 61 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бундан ташқари, 2019 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Мазкур Фармон билан жами 44 нафар фуқаро афв этилди. Уларнинг 23 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, 2017-2019 йилларда 669 нафар тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган фуқаролар афв этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт брендининг тақдимоти ташкил қилинди. Тошкент шаҳри бренди тасвиридан сайёҳлар учун буюмлар, эсдалик совғалари ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Шу ойнинг бошларида ижтимоий тармоқлар ҳамда турли сайтларда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Янгийўл шаҳар бўлими ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишда, Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ бўлими акушер-гинекологи Руқия Ҳабибова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро Зумрад Эркинованинг жорий йилнинг 1 апрелида туғилган қиз фарзандини гўёки ўлди, дея бу ҳақда ҳеч қандай маълумот қайд этмасдан, чақалоқни 100 АҚШ доллари эвазига фуқаро Салима Мансуровага сохта ҳужжатлар расмийлаштириш орқали сотиб юборганлиги ҳақида хабарлар тарқалган эди.

СОТУВГА ТАЙЁРЛАНГАН ҲОМИЛА

«Алданиб қолдим!» қабилидаги иддаолар қадрини арзон сотган қизларнинг сўнгги афсус-надомати.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Huquq»

Ушбу хабарни ўқиган онгли одамда ҳақли савол туғилиши табиий. Наҳотки, бир неча ой юрагининг остида кўтариб юрган фарзандининг ўлик туғилганига она шунчалик осон ишонса?.. Ёки ҳар бир намунали оила фарзанди ўлик туғилган тақдирда ҳам уни диний расм-русумларга асосан дафн этмайдими?..

Мазкур саволларга жавоб излаб, воқеани атрофлича ўргандик. Маълум бўлишича, чақалоқнинг онаси З.Эркинова эндигина 21 ёшни қарши олган бўлса-да, бу гўдак унинг иккинчи фарзанди бўлган. Бу аёл биринчи боласини дунёга келтиришни истамай, уни олдириб ташлаган экан. Бунга нима сабаб, дерсиз. З.Эркинова вояга етгандан сўнг ҳаётни ўз қаричи билан ўлчай бошлайди. Катталарнинг панд-насиҳатларини бир четга суради. Иффатини сақлаб, оила қуриб, бир гўшангага келин бўлиш ўрнига, ҳаётни фақат ўйин-кулгу, кайф-сафодан иборат, деб билади. Тунларни тонгга улаб, пулдор эркакларнинг "меҳмон"и бўлади. Мана шундай ҳаёт ортидан биринчи ҳомиласини орттирган Зумрадга ўз дунёсидаги "ширин" ҳаёт афзал кўриниб, ҳомиласидан воз кечади ва уни олдириб ташлайди-да, енгил ҳаётини давом эттиради. Орадан маълум вақт ўтгач, Зумрад иккинчи марта ҳомиладор бўлади. Бу сафар ҳомиласини олдириб ташлаш учун Янгийўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ бўлими акушер-гинекологи Р.Ҳабибовага учрашади. Айни шу вақтда Р.Ҳабибовага "мижоз" сифатида С.Мансурова мурожаат қилиб, чақалоқ топиб беришини илтимос қилган экан. Зумраднинг "мақсад"и шифокор учун айни муддао бўлади. Р.Ҳабибова ҳомилани олиб ташлашни ортга суриб, С.Мансуровани туғруқ бўлимига ҳомиладор сифатида рўйхатга олади. Аслида ҳомиладор бўлмаган С.Мансурова қўниқўшнилар орасида бўйида бўлганлиги ҳақида гап тарқатиб, ўзидаги ўзгаришларни сунъий равишда амалга ошириб юраверади. Камига резина қорин сотиб олиб, унинг ёрдами билан қорнини катталаштириб бораверади. Р.Ҳабибова ҳам Зумраднинг ҳомиласи катта бўлиб қолганлиги, энди уни туширишнинг иложи йўқлиги, бола етти ойлик бўлгандагина туғдириб олишини айтади. Ҳомила етти ойлик бўлгач, шифокор Зумрадга дард чақирувчи дори бериб, туғруқни тезлаштиради ва "сохта" ҳомиладор С.Мансуровани ҳам туғруқ бўлимига чақириб олади. Зумраднинг кўзи ёригач, болани олиб, С.Мансуровага беради ва қиз фарзанд дунёга келтирганлиги ҳақида ҳужжат расмийлаштиради. З.Эркиновага эса "Боланг қорнингда ўлган экан, олиб ташладик", деб шу куннинг ўзида унга жавоб бериб юборади.

Шукрки, орамизда инсофдиёнатли одамлар бор. Уларнинг ёрдами билан бундай жирканч қилмиш фош этилди. Айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бир қизнинг енгил-елпи ҳаёт кечириши ортидан содир бўлган бу воқеа бизни фикрлашга мажбур қилди.

Таъкидлаш лозимки, азал-азалдан шарқона менталитетимизга, ўзбекона иффатимизга, ор-номусимизга бутун дунё ҳавас қилиб келган. Аммо тассуфки, бугунги кунда жамиятимизда шундай қусурлар пайдо бўлмоқдаки, уларни қандай ҳазм қилишни билмаймиз. Биз бугун мулоҳаза юритмоқчи бўлган мавзу ҳам ана шундай иллатлардан бири — айни дамда, минг афсуслар бўлсинки, тобора урчиб бораётган нуқсон ҳақида.

Хусусан, охирги пайтларда айрим қизларнинг юриш-туриши, аллақандай ҳою ҳавасни "муҳаббат" дея атаб, оху нола чекиши деярли ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Ёшлар севги-муҳаббат деганда қўл ушлашиб, пана-паналарда бир-бирининг пинжига тиқилганча беҳаё қилиқларни қилиб, бир-бирига суйкалиб юришни тушунадиган бўлишди. Ишхонамиз хиёбон яқинида жойлашган. Иш вақти тугаб, ташқарига чиққанда кўзимиз беихтиёр пана жойга қўйилган автомашина ичида ҳеч кимдан уялмай, тортинмай, бир-бирига суйкалиб ўтирган йигит-қизларга тушади. Хизмат тақозоси билан ишхонадан кечроқ, тунги вақтларда чиқсангиз ҳам бундай "манзара"га гувоҳ бўласиз. Наҳотки, бир-бирининг пинжига кириб ўтирган бу йигит-қизларнинг ота-онаси, бемаҳалда қаерда юрибсан, деб тергамаса. Бу каби "сирли" учрашувларнинг ниҳояси қандай тугаётганига эса ижтимоий тармоқларда тарқалаётган баъзи "ёқимсиз" хабарлар орқали гувоҳ бўлаяпмиз. "Алданиб қолдим!", "Бойлигимга учган экан!", "Хотини, болалари бор экан!" деган иддаолар айнан қадрини арзон сотган, ибодан узоқлашган қизларнинг сўнгги афсус-надомати.

Инсон муҳаббатсиз яшай олмайди. Бу ҳаётда ўз исботини топган ҳақиқат. Аммо муҳаббат дегани ўз ихтиёрини йигитга топшириш, ҳадеганда ўйноқлаб, у кўчадан бу кўчага кириш, дегани эмас. Муҳаббат — вафо, садоқат тимсоли. Ўз навбатида қайд этиш лозимки, бундай фазилатлардан йироқ кимсалар хиёнаткор, беҳаё бўлишади.

Бугун қизлар ва йигитлар билан боғлиқ бошқа бир ҳолатга ҳам дуч келаяпмиз. Хусусан, айрим йигитларимизни оиласидан ажрашган жувонлар йўлдан ураётган бўлса, баъзи қизларимиз оилали, ўзига тўқ эркакларнинг "ўйинчоғига" айланиб қолишмоқда.

— Гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман, — дея кўнглини ёрди бир танишим. — Ҳали гўшанга кўрмаган укам бирдан ўзгариб қолди. Ўзи олий ўқув юртини тугатиб, яхши бир ишга жойлашган эди. Маоши ҳам яхшигина. Биринчи ойлигини олиб келиб, ота-онамга берганида, мен четда ўтириб, кўзимга ёш келди. Тўрт йил шартнома пулини тўлаб, қийналган ота-онам энди эккан дарахтининг мевасидан баҳраманд бўла бошлаган эди-да! Отам кўзидаги ёшини бармоғи билан артар экан, "Баракалла ўғлим, Худо хоҳласа, шу пулларни йиғиб, бошингни иккита қиламиз", деб уни дуо қилди. Хуллас, укамнинг иши юришди, топганига барака кирди. Уйдагилар уни уйлантириш учун қиз қидира бошлашди. Бироқ айни шу кезларда у тўсатдан ўзгариб, телефондан бўшамай қолди. Маошини ҳам турли баҳоналарни рўкач қилиб, отамга бермай қўйди. Дастлаб бунга унчалик эътибор бермадик, аммо уйга кеч кела бошлаганидан кейин ташвишга тушдик. Сабабини сўраганимизда, "лом-мим" демади. Кейин билсак, у бева бир аёлга илакишиб қолган экан. Аввалига тан олмади, аммо отам унинг телефонини тортиб олиб, ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини очиб, СМСларини кўрсатгач, ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди.

— У аёлни яхши кўраман, унга уйланмоқчиман! — деди дабдурустдан отамга. Очиғи, унинг бу гапидан карахт аҳволга тушдик. Кейин ўша аёлни яхшилаб суриштирдик, эри билан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, ижарадаги уйда яшайдиган жувон экан. Шунингдек, укамдан аввал ҳам унинг уйига ёш йигитлар келиб турганини билдик. Отаонам у аёлдан воз кечишини айтиб, укамни сиқувга олаверишгач, бора-бора уйга келмай ҳам қўйди...

Зумраднинг «мақсад»и шифокор учун айни муддао бўлиб, ҳомилани олиб ташлашни ортга суриб, бу орада болага харидор аёлни туғруқ бўлимига ҳомиладор сифатида рўйхатга олади.

Яна бир суҳбатдошимиз эса олийгоҳда ўқийдиган синглисининг бошидан ўтган воқеани гапириб берди.

— Синглим ўқишига шошилиб, йўл четида қўл кўтариб турса, бир машина келиб тўхтаб, уни олиб кетибди. Ҳайдовчи билан синглим йўл-йўлакай у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб боришибди. Синглим ўқишга кечга қолаётган пайтларда таксида юришини айтганида, ҳайдовчи телефон рақамини берибди ва ундан йўлкира ҳақини олмабди. Шу тариқа улар танишиб олишибди ва бора-бора, ўша одам "Ишхонам билан сизнинг ўқишингиз бир томонда экан", деб ҳар куни синглимни ўқишига олиб бориб қўядиган бўлибди. Кейинчалик, у синглимни ўқишдан чиқишини кутиб, уйимиз яқинига ташлаб кетишга одатланибди. Вақт ўтиши билан улар ўртасидаги таниш-билишлик ўрнини ошиқ-маъшуқлик эгаллабди. Талаба синглимнинг қўлида қимматбаҳо телефон, бўйнида, қўлида тилла тақинчоқлар пайдо бўлди. Сўраганимизда "Курсдошларимникиди, бирор кун тақиб туриш учун олгандим", деб жавоб берди. Кейин билсак, синглим бизга "дугонамникида қолаяпман", дея ёлғон гапириб, у одам билан кечаларни бирга ўтказган экан. Биз унинг гапларига ишониб, ғафлатда қолибмиз. Синглимнинг ҳомиласини тўрт ойлик бўлганида сезиб қолдик. У одамни сўраб-суриштириб, топдим. Ёши 44 да, оилали, уч нафар фарзанди бор, ўзига тўқ одам бўлиб, ҳатто катта қизининг тўйи белгиланган экан. Аммо унинг асл нияти нима эканлигини билгач, ўз ёғимизга ўзимиз қовурилишдан бошқа чора йўқлигини англадик.

— Синглинг ўзи шуни хоҳлади, маълум вақт менга эрмак бўлди, — деб безрайиб тураверди. — Вақтида уни пул билан таъминлаб турдим, эвазига менинг истагимни бажарди. Болага келсак, у менга керак эмас, ўзига ҳам олдириб ташлагин, деб айтганман, — деди-да, терс ўгирилиб кетди...

Юқорида гувоҳи бўлганингиз икки воқеадаги икки болали жувон ҳамда уч фарзанди бор эркак ҳақида ҳеч нарса билмаганимиз сабабли, бу ҳолатларда кимни айблаш борасида хулоса чиқара олмадик. Аммо бир нарса аниқки, йигитда ҳам, қизда ҳам ўзига яраша айб бор.

Кўринiб турибдики, бундай ахлоқсиз муносабатларнинг якуни ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Ахир зинонинг оқибати бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?! Ҳирс, нафс ботқоғига ботиб, ўткинчи ҳузур-ҳаловат йўлида ақл кўзини кўр қилиб қўйган инсонларнинг охири пушаймон еб қолиши кундек равшан-ку! Наҳотки инсон пул, моддий бойлик учун шунчаликка борса? Ёхуд енгилтаклик билан йигит ва қизларни йўлдан уриб, эрмак қилаётганларнинг фарзандлари келажагини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Ачинарлиси, бугун интернет тармоғи орқали бир-бирини тузоғига илинтираётган, бировларнинг ҳаёти, номуси билан ўйнашаётганлар талайгина. Уларнинг орасида биз тилга олган ҳолат, ёш йигит ва қизлар ўртасидаги ахлоқсиз муносабатлар ҳам талайгина. Тўғри, қарс икки қўлдан чиқади. Аммо бундай ҳолатларнинг аксариятида никоҳ, оила аталмиш муқаддас ришталар билан боғланишга улгурмаган, бири қуёв, бири келин бўлиш бахтига ҳақли йигит ва қиз чиркин ҳирс, нафс ботқоғига ботмоқда, умри хазон бўлмоқда.

Истардикки, қиз-жувонларимиз ҳаё-иболарини сақлашсин, эркакларимиз ҳам ўткинчи ҳирсларга берилмай, тўғри йўлдан адашмасинлар.

Қашқадарёда 35 кунлик ўғлини 4 миллион сўмга сотаётган аёл қўлга олинди.

FAOLIYATIDAN

Хатонинг меваси аччиқ бўлади

Дилшод ШАРИПОВ,
Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи
Норбўта ҒОЗИЕВ,
"Huquq"

Қиз бола ўзга хонадонга келин бўлиб тушаркан, аввало, бахтли бўлишни, турмуш ўртоғи ва унинг оиласидагиларнинг кўнглини олишни истайди. Қайсидир маънода бунинг учун астойдил интилади. Умуман олганда, ўғлини уйлантираётган ёки қизини турмушга узатаётган ота-оналарнинг орзуси ҳам фарзандларининг тинч-тотув ҳаёт кечиришини кўришдир.

Халқимизда қушнинг ҳам уяси бузилмасин, деган нақл бор. Оиланинг барбод бўлиши маҳалла-кўй, жамият учун ҳам оғир ҳолат. Айниқса, оила бузилгач, ота-она ўртасида сарсон бўлган бегуноҳ гўдакларнинг келажаги кишини хавотирга солади.

Дабдабали тўй қилиб, элнинг оғзига тушишга уринган қудаларнинг ўз муаммоларига ўралашиб қолиши натижасида келин-куёвга рўзғор тутиш, эр ва хотиннинг бурчлари, оиланинг муқаддаслиги тўғрисида сабоқ бериш, ҳеч бўлмаганда эслатиш эътибордан четда қолади. Оқибатда кўп ўтмай "эпсиз келин" ва "уқувсиз куёв" ўртасида турли низолар юзага келади. Бундай вазиятларда томонларнинг бири озгина босиқлик билан иш тутса, арзимаган тушунмовчиликни деб нене умидлар билан қурилган бахт кошонаси емирилмайди.

Акси бўлса, ким кўпроқ жабр кўради? Албатта, икки ёшнинг ўзлари ва бегуноҳ болалар, уларнинг яқинлари, маҳалла-кўй, қолаверса, жамият ҳам жабр кўради.

Турмушнинг битта зарбасига чидаёлмай ота уйига қайтган қизнинг тақдири, аввало, унинг ота-онасини ташвишлантиради. Келинчак ҳомиладор бўлса, дунёга келган бола бир куни "Менинг отам ким?" деб сўрайди. Вужудида ўзининг пушти камаридан бўлган зурриёдини кўтариб юрган хотинининг жавобини бериб, муаммоларидан "халос" бўлган йигит кўча-кўйда қандай бош кўтариб юрар экан? Ҳаттоки, онгсиз жониворлар ҳам ўз жуфтини асраша ҳаракат қилади. Баъзи қушлар бошқа қушларнинг полапонини ҳам қаноти остига олади, уларга меҳр кўрсатади, парваришлайди.

Баъзи енгилтабиат, калта ўйлайдиган аёллар эса йўлдан адашади, кимларнингдир алдовига учади. Ҳаёт лаззатини фақат ишқий муносабатларда деб билиб, оёғига "тушов бўлаётган" нуридийдаларидан тезроқ қутулиш пайига тушади. Туғруқ палласида бир эмас, бир неча бор нариги дунё остонасига бориб келганини ҳам унутиб, боласини сотиш учун мижоз излайди.

Баъзи эркаклар эса алимент тўлашдан қутулиб қолиш учун ўз пушти камаридан бўлган фарзандидан тонишгача боради. Лекин алимент билан боланинг келажаги таъминланиб қолмайди. Бола учун, аввало, ота-онанинг биргаликдаги тарбияси муҳим.

Эри билан ажрашгач, аёл фаҳш йўли билан пул ишлайдиган одат чиқарди. Шу орада у ҳомиладор бўлиб қолди...

Маҳфуза Эргашева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эри билан ажрашгач, Қарши шаҳридаги бир хонадон бекасининг уйига борадиган ва турли тоифадаги кимсалар билан ишқий муносабатда бўлиб, пул ишлайдиган одат чиқарди. Шу орада у ҳомиладор бўлиб қолиб, вужудида асраётган гўдагининг отаси кимлигини ҳам билмади. Шу боис у таниши Дилдорага телефон қилиб, "Ҳомиладор бўлиб қолдим, таниш гинеколог ва чақалоқ оладиган одам борми?", деб сўради. Дилдора "Таниш гинеколог бор, телефон рақамини бераман, ўзинг гаплашасан, мени бола олди-сотдисига аралаштирма", деб жавоб берди.

Маҳфуза Дилдорадан олган телефон рақамига қўнғироқ қилиб, гинеколог Салима Вафоева билан гаплашди ва учрашув вақтини белгилаб олди. Улар учрашишгач, Маҳфуза врачга ўзининг шароитини тушунтириб, бола туғилса, уни сотиб, Россия Федерациясига ишлаш учун кетмоқчилигини айтди. Шифокор унга бу масалада ёрдам беришини билдирди.

Ўтган йил 4 сентябрь куни кечки пайт тўлғоқ бошланди. Маҳфуза С.Вафоевага қўнғироқ қилди. У Маҳфузага ёрдамга шошилди ва ҳамшираси билан биргаликда боланинг эсон-омон туғилишига кўмаклашди. Чақалоқ соғлом ўғил бола эди. Шу пайт Салима олдиндан гаплашиб қўйгани - болани сотиб олмоқчи бўлган аёлни чақирди. Ундан 3 миллион сўм олиб Маҳфузага берди. Пул берган аёл Маҳфузадан "даъвоим йўқ", деган мазмунда тилхат ёздириб олиб, чақалоқни олиб кетаётган пайтда ходимларимиз томонидан қўлга олинди. Чунки учала аёлнинг бу келишуви қонунларимизга зид бўлиб, унинг бир учи одам савдосига бориб тақаларди. Дастлабки терговлар ва суд жараёнида аёллар буни тушуниб етишди. Билиб-билмай қилган ишларидан пушаймонлик билдириб, бундай ҳолатни бошқа такрорламасликка ваъда беришди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида мазкур иш атрофлича муҳокама қилиниб, айбдорларга нисбатан қилмишларига яраша жазо тайинланди.

***

Бошқармамиз ходимлари ўтган йили яна шундай учта жиноятни фош этдилар. Бу уч аёл ҳам болаларини сотишга мажбур бўлганликлари ҳақида турли баҳоналарни рўкач қилишди. Ўзларининг бахтсизликлари, ҳаёт синовларига бардош беролмаганликларига бошқаларни айбдор деб кўрсатишди...

Файласуф Эпиктетнинг таъкидлашича, "... агар инсон бахтсиз экан, бунга унинг ўзи сабабчи. Чунки Худо барча одамларни бахт учун яратган". Ўз чақалоғини сотган бахтли бўла олмайди. Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов ўзининг "Дунёнинг ишлари" романида "Ҳар ким ҳар кимнинг кўзига чўп солиши мумкин, ҳар ким ҳар кимга хиёнат қилиши мумкин. Фақат она ўз боласига ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Эҳтимол, инсон ҳаётининг шунча йиллардан буён давом этиб келаётгани шундандир", деган сатрларни ёзганда наҳотки янглишган бўлса?!

Абдурасул Қурбонов университетни тугатгач, Сурхондарё вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармасига ишга киради. Ёш йигит ғайрат кўрсатиб, бир неча йил ишлагач, унга ишонч билдирилади ва бошқармада оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича бош мутахассис лавозимига тайинланади.

Аслида йўқ "акахон"

Қаҳрамон ҚИЛИЧОВ,
Департаментнинг Музработ туман бўлими бошлиғи

Унга ҳаваси келган қўшниси Юнус Турсунов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам коллежни тугатиб, А.Қурбонов таҳсил олган Термиз давлат университетининг "Жисмоний маданият" факультетида ўқишни ният қилади. Лекин унда ўқишга кириб кетишига ишонч йўқ эди. Чунки у мактабда ҳам, коллежда ҳам яхши ўқимаганди. Бу ҳақда отасига айтган эди:

— Мен сенга ёрдам бера олмайман. Яхши ўқиш керак эди.

Шу билан Юнуснинг ўқишга кириш ҳақидаги орзуларига нуқта қўйилди. Аммо бир куни у Абдурасул билан гаплашиб қолади. Гап орасида Юнус ўқишга кирмоқчи бўлгани, аммо билими паст бўлгани учун отаси уни бу ниятидан қайтарганини айтади.

— Бекор қилибсан, келишсак, киритиб қўярдим, — деди дабдурустдан Абдурасул. — Ўзим бу иш билан шуғулланмайман-у, лекин эплайдиган акахонлар бор.

Хуллас, суҳбат асносида Абдурасул қўшниси Юнусни 4 минг АҚШ доллари эвазига ўқишга киритиб қўядиган бўлди. Орада улар иккиуч марта гаплашишди. Сўнгги суҳбатда А.Қурбонов, агар тайёр бўлса, келишилган маблағни "Алпомиш" кураш мажмуасига келтириб беришини айтади.

Ўтган йилнинг 30 июль куни Юнус кураш мажмуасига кириб келганда, Абдурасул томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқларнинг бирида ўтирарди. Салом-аликдан сўнг асосий ишга ўтилди.

— Мана, икки минг, — деди Юнус.

— Қолганини қачон берасан, — деб пул ўралган қоғозга қўл узатди Абдурасул.

— Уч кунда қилиб бераман, — деди у.

Абдурасул пулни санаб чиқди-да, қўлтиғига қистириб юрадиган сумкачасига жойлади. Сўнг ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Уни эшик олдида тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари кутиб олишди. Тергов жараёнида маълум бўлишича, Абдурасулнинг ҳеч қандай "акахон"и йўқ бўлиб, у Юнус ўқишга кириб кетса, шу маблағни ўзлаштирмоқчи бўлган экан.

Мазкур ҳолатни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди томонидан А.Қурбоновга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

"Балиқ" қармоққа илинмади

Жасур САПАРОВ,
Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси катта инспектори

Инсонларни бир-бири билан боғлаб турувчи ишонч деган муқаддас туйғу бор. Ўзаро ишонч туфайли яхши-ёмон кунларда инсон инсонга дўст ва ҳамдард бўлади. Бироқ кейинги йилларда одамлар ўртасида бир-бирига бўлган ушбу ишончга путур етди. Сабаби, миллатимизга хос бўлган мана шу инсонийлик фазилатидан айрим кимсалар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, одамларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб кетаяпти.

2018 йилнинг сентябрь ойи бошида Бекобод туманида яшовчи Учқун Рўзиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳудуддаги фермер хўжаликлари уюшмаси раиси бўлиб ишлаган Олим Қўйчиев билан танишиб қолади. Ўзаро суҳбат жараёнида У.Рўзиев агар жой бўлса, балиқчилик хўжалиги ташкил қилишини айтади. Унинг пули борлигини билган О.Қўйчиев дарҳол ишга киришади. У.Рўзиевга юқори идораларда ишлайдиган қариндошлари, таниш-лари борлиги билан мақтаниб, унинг ишончига киради.

"Агар "харажат"идан қочмасангиз, сизга балиқчилик хўжалиги ташкил қилиш учун ҳам, сабзавот экиб, фойдаланишингиз учун ҳам ҳокимиятдаги танишларим орқали ер олиб бераман", деб уни алдайди. Орадан бир неча кун ўтгач, фермер хўжаликлари уюшмаси раиси У.Рўзиевга қўнғироқ қилиб, ер масаласи ҳал бўлганини, пулни тезроқ келтириб берса, ер ажратиб бериш тўғрисида ҳоким қарорини чиқартириб беришини айтади.

У.Рўзиев "харажат"и қанча бўлишини сўраганида, О.Қўйчиев оғзини тўлдириб, "Сабзавот экишингиз учун 23 гектар ер ажратиладиган бўлди, унга 2 минг 300 АҚШ доллари, балиқ боқишингиз учун канал бўйидан 12 гектар ер беришади, унга 5 минг АҚШ доллари узатасиз", — деди. Шунча пулни эшитиб, У.Рўзиев бироз ҳушёр тортди. Узоғи билан 2-3 кун ичида пулни етказишини айтиб, алоқани узди.

Шундан сўнг, ваъдаларни қоп-қоп қилиб берган "ҳожатбарор"ни суриштириб, унинг аввал уч маротаба судланганини билди. Агар унга пул берса, кейин излаб тополмаслигини англади ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди. Ўзининг турли алдовлари билан бировнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқа олиш "қобилият"-ига эга бўлган фирибгар 7 минг 300 АҚШ долларини чўнтагига солган пайтида ашёвий далил билан ушланиб, тўртинчи марта суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг ҳукми билан О.Қўйчиевга тегишли жазо тайинланди.

Юртимизда жорий йил 24 апрелдан "Биргаликда ҳимояланайлик: вакциналар самаралидир!" шиори остида иммунизация ҳафталиги бошланди.

БАРЧАСИ ЯХШИ ЯШАШ УЧУН!

Донимиз, бу хирмонимиз, демакки, ҳалол луқма нонимиз. Кўнглимизнинг тўқлиги шундан, хотиржам ҳаётимиз шундан. Омборида бир қоп уни бор оила — тинч. Тинч оила эса осойишта ҳаёт завқини туяди. Давлат хариди учун бошоқли дон маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар замирида ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Бироқ... "ҳолва", деган билан оғиз чучимайди. Бунинг ўзига хос тараддуди, заҳмати, оғири, енгили бор, ташвишлари бор.

Рўй-рост айтганда, ғаллачилик тармоғида тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўп. Бинобарин, ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар ҳам талайгина. Масалан, ер, яъни экин майдони. У сифатсиз тайёрланар экан, ундан кўзланган ҳосилни кутиш мумкинми? Асло, йўқ! Ахир бежизга "Ерни боқсанг, ер сени боқади", деб айтилмаган.

Таассуфки, ўз вақтида амалга оширилмаган агротехник талаблар ҳисобига жойлардаги масъуллар ва фермерлар томонидан контрактация шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги, ҳосилдорликни ошириш ва қўшимча даромад олиш ўрнига, фақат зиёнга ишлаш ҳоллари тез-тез учраётгани айни ҳақиқат.

Аслида самарали меҳнатни вақтида қадрлаш ва рағбатлантириш ҳам жоиз. Аксинча, бесамар, боқибеғамликка кескин чора қўллаш зарур. Ўтган вақтлар мобайнида баайни ана шу мезон талаблари ҳаётда кам қўлланилгани боис ҳам соҳада унумдорлик кескин камайиб кетди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Қарор шуниси билан аҳамиятлики, эндиликда давлат хариди учун бошоқли дон етиштириш бўйича амалдаги тартибдан мутлақо фарқ қиладиган янги тизим ва механизмлар жорий этиладиган бўлди. Масалан, 2019 йил ҳосили учун суғориладиган ва лалми экинлари ялпи ҳосилининг прогноз ҳажмлари тасдиқланиб, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олиш "ерга нисбатан хиёнат", деб баҳоланадиган ва ер ижара шартномасини бекор қилиш чоралари кўриладиган бўлди.

Бундан ташқари, 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаларига ҳосилдорликка қараб коэффицентлар қўллаш тартиби киритилди.

Маълумки, бугунги кунга қадар давлат харидидан ортиқча етиштирилган бошоқли дон маҳсулотининг аниқ ҳисоби юритилмас, бу эса республика ялпи дон ҳажми ва аҳолини ушбу турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш даражасини реал баҳолаш имконини бермасди. Эндиликда эса, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган ялпи ғалла ҳосили ҳисоби юритиладиган бўлди.

Қарорга мувофиқ, соҳада яна кўплаб туб ўзгаришлар рўй беради. Айниқса, қарорда олдиндан билиш, оқилона чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятга эга ҳодисалар (қурғоқчилик, табиат ҳодисалари ва бошқа форс-мажор ҳолатлар) оқибатида бошоқли дон экинларидан кутилган ҳосил олинмаган тақдирда ҳамда ушбу ҳолатлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланганида, давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархида ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди. Ваҳоланки, шу пайтга қадар маҳсулот етиштирувчилар турли табиий офатлардан етарли даражада ҳимояланмаган эди.

Шунингдек, Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий иқлим шароитлари ҳам ҳисобга олинди. Суғориладиган майдонларда 2019 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини парваришлаш бўйича агротехника тадбирларини амалга ошириш юзасидан "Йўл хариталари" қабул қилинди.

Бошоқли дон етиштиришда агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш ва кафолатланган ҳосил олишни тизимли ташкил этиш бўйича эса Республика ишчи гуруҳларининг таркиби тасдиқланди. Улар зиммасига "Йўл хариталари"дан келиб чиқиб, ҳар бир фермер хўжалиги томонидан амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини алоҳида ёзма равишда тайёрлаб етказиш ва унинг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бошоқли дон етиштириш ва ўриб-йиғиб олиш билан боғлиқ агротехника юмушларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, молиявий ва моддий-техника ресурсларининг тўлиқ ҳажмда ҳамда ўз вақтида етказиб берилиши, якуний ҳисоботлар 2019 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ амалга оширилиши, мазкур йўналишдаги ишлар бўйича тизимли назорат ўрнатилиши юзасидан тегишли мутасаддиларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ички бозорда буғдой, ун ва нон маҳсулотлари нархлари кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх барқарорлигини таъминлаш ҳамда буғдойни қайта ишлаш соҳасида рақобатни кучайтириш, давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган минерал ўғитлар ҳажми ва уларнинг нархини белгилаш, хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, давлат хариди учун етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу Қарорнинг изчил ижроси, шак-шубҳасиз, ғаллачиликда ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш, фермер хўжаликлари масъулиятини ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тизимини жорий қилиш имконини беради.

Сарвар ТЎХТАБОЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

JARAYON

Намунали истеъмолчилар рағбатлантирилмоқда

Шу муносабат билан Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилоят бошқармаси қонун устуворлиги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш, маиший чиқиндилар соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлашда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантирмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Чироқчи ҳамда Шаҳрисабз шаҳар ва Шаҳрисабз туманларида ўтказилди.

Чироқчи туманида энг намунали ва интизомли маҳалла деб Чироқчи МФЙ, Шаҳрисабз шаҳрида Қушхона МФЙ ва Шаҳрисабз туманида Мўминобод МФЙлар топилди ҳамда ушбу маҳаллаларнинг жамоатчилик вакиллари ва энг намунали истеъмолчиларига Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи О.Паяновнинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Бу каби тадбирлар вилоятимиз бўйлаб давом этмоқда.

Динара РАШИДОВА,
МИБ Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

JINOYAT VA JAZO

Онкология диспансеридаги тамагирлик



Шарқда ҳалоллик ва поклик улуғланади. Ҳалол меҳнат эвазига топилган луқма лаззатли ва тўйимли бўлади. Аммо қинғир йўллар билан топилган бойлик эса ҳеч бир инсонга яхшилик олиб келган эмас. Адолат қарор топгани каби, албатта бир кун келиб қинғир ишнинг миси чиқади. Чунки жиноятга жазо муқаррарлиги — бу ҳақиқат.

Қўқон шаҳар онкология диспансери шифокори Б.Латипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)ни ҳам нафсига эрк берган кимсалардан десак, муболаға бўлмайди...

Одатий кунларнинг бирида унинг ҳузурига фуқаро С.Жумабоева бетоб онасини олиб келади. Текширувлардан ўтгандан кейин беморда ўсимта борлиги аён бўлади. "Энди нима қиламан, онам тузалиб кетадими?!", дея шифокор Б.Латиповга нажот кўзлари билан боқкан С.Жумабоева шифокордан: "Бу касалликни Тошкентда даволашади, онангиз узоқ йўлга ярамаса керак, агар истасангиз, Тошкентдаги малакали врачларни чақирамиз, шу ерда операция қилишади. Фақат эвазига 500 АҚШ доллари беришингиз керак бўлади", деган жавобни олади.

Ўзи не дардда юрган она-бола бунча пулни эшитиб, фиғони фалак бўлади. Бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига хабар беришади.

Ўтказилган тезкор тадбирлар, суриштирув ишларидан сўнг Б.Латиповнинг қилмиши фош этилди ҳамда белгиланган тартибдаги жазо чоралари кўрилди.

Акмалжон МАҲАМАДОВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси катта инспектори

Ўзбекистонда Кунг-ін халқаро университети филиали очилади. Унда тўқимачилик, дизайн, мода, авиация ва туризм, гўзаллик саноати, соғлиқни сақлаш ва кореяшунослик соҳаларида мутахассислар тайёрланади.

Кейинги вақтларда фирибгарлик йўли билан бировларнинг мулкини қўлга киритиш ҳолатлари кўпайиб, уларни содир этиш усуллари ҳам турлича бўла бошлади. Одамлар фирибгарларнинг гапларига дарров чув тушиб, алданиб қолмоқдалар.

Бизнес ҳамкорлик ортидаги фириб

Илҳомжон АЙДУСОВ,
Яккасарой туман прокурори

Жамшид Болтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оилали, 3 нафар фарзандининг отаси. Ҳали ёш бўла туриб, бир неча бор суд курсисига ҳам ўтирган. У одамларни алдаб, пулларини ўзлаштириб кетиш орқали кун кечиришни ўзига касб қилиб олди.

Жумладан, у товар олиб-сотиб бизнес қилишга пул кераклигини, бундан яхши фойда қолишини, ушбу бизнесга пул тикадиган таниш топиш кераклигини божаси Ислом Ёқубовга маълум қилганида божаси ҳам унинг бу гапларига лаққа тушиб, жияни Карим бу бизнесга пул тикишини айтиб, иккаласини таништиради. Улар Чилонзор туманида жойлашган "Атлас" савдо мажмуаси олдида учрашишади. Жамшид Каримга "бизнес режа"сини тушунтиради. Фирибгар тадбиркорлик ортидан келадиган жарақ-жарақ фойдани иккига бўлишини айтганида Карим иккиланиб ўтирмай унинг таклифини қабул қилди. Ишнинг бундай силлиққина битишини кутмаган Жамшид "қамчи"ни босади. Шерикликда ишлашга рози бўлган Каримга ҳозирда 3200 АҚШ доллари миқдорида пул кераклигини айтади. Карим унга Исломнинг гувоҳлигида сўралган пулларни беради.

Орадан тахминан бир ҳафта вақт ўтиб, Жамшид олган пулларини фойдаси билан деб, 3 550 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни қайтариб беради. Албатта, бу "ўлжа"нинг ишончига кириш усули эди.

Шундан сўнг, 2018 йил апрель ойининг бошида Ж.Болтаев бизнес ҳамкорини Яккасарой туманидаги офисига олиб боради. Улар бу ерда келадиган фойда ҳам, зарар ҳам тенг тақсимланишига келишиб, биргаликда иш бошлашади.

Жамшиднинг вазифаси ўзи раҳбарлик қилаётган МЧЖ орқали мижоз ташкилотларга товарларни топиб бериш, товар сотувчи билан мижоз ўртасида тузиладиган шартномаларни расмийлаштириб, қилган хизмати учун мижоз ташкилотдан 1 фоиздан 5 фоизгача, товар сотувчи ташкилотлардан эса 1 фоиздан 3 фоизгача даромад олишдан иборат эди.

Иш бошлаганларидан сўнг Жамшид Каримдан компьютер ускуналарини сотиб олиб, буюртмачи ташкилотга етказиб бериш учун 12 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул сўрайди. Каримдан олинган пуллар ҳисобидан буюртма эгасига етказилади. Тушган фойдани иккига бўлиб, 1150 доллардан олишади. Жамшид Каримдан олган 12 500 АҚШ долларини ҳам қайтариб беради. Орадан бир икки кун ўтиб, яна бир иш чиққанини, 8800 АҚШ доллари кераклигини айтади. Карим бу сафар ҳам ўйлаб ўтирмай сўралган пулни Жамшидга етказади. Фойда ўртада тенг тақсимланади, Каримнинг пуллари ҳам қайтарилади. Шу тариқа Жамшид унинг ишончига бутунлай кириб олади.

2018 йил 30 апрель куни Жамшид ҳамкоридан 10 400 доллар олиб, пулларни 2018 йил 30 май куни тўлиқ қайтариб беришини ваъда қилади. Бу орада бирга амалга ошираётган ишлари учун яна пул кераклигини айтиб, Каримдан 18 400 доллар миқдорида пул олади. Жамшид бу сафар ҳам пулни 30 май куни тўлиқ қайтариб бериши ҳақида тилхат ёзиб беради.

Орадан тўрт кун ўтиб, 25 май куни Жамшид Каримдан яна 16 800 доллар олади. Одатдагидек пулларни қайтариб бериш ҳақида тилхат ёзиб беради. Кўп ўтмай фирибгар яна 20 300 АҚШ доллари сўраб келади. Шундай қилиб, Ж.Болтаев биргаликда тадбиркорлик қилиш ниқоби остида танишининг 97 600 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини қўлга киритади.

Бироқ бу пулларни тадбиркорликка ишлатмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборибди, К.Жўраевга кўп миқдорда моддий зарар етказади.

Суд томонидан Жамшид Болтаевга нисбатан 6 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ОҒУ ОШУФТАЛАРИ

Гиёҳвандлик ва гиёҳфурушлик — жирканч иллат ва аксарият ҳолларда инсонни ўта оғир, асоратли, ҳатто ҳалокатли оқибатларга етаклайди. Чунки гиёҳфурушликни "касб" этган кимсадан ҳар қадамда ёмонлик кутиш мумкин. У даромад илинжида ёшларни ҳам ана шундай иллат қулига айлантиришга уринади. Соғлом турмуш тарзи, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, оилалар мустаҳкамлигига раҳна солаётган, яъни гиёҳфурушлик билан шуғулланаётганлар қилмишларига яраша жазоланяптилар. Бунга айрим ҳаётий мисолларни келтирамиз.

Ўзига инсоф бермаса...

Бобур ЧОРИЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Ҳомид Жўраев 1962 йилда туғилган, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор. Бирор жойда ёлчитиб ишламайдиган бу кимса илгари ҳам уч маротаба жиноятга қўл уриб, суд олдида жавоб берган. Ҳ.Жўраев бир гал 1 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш жазосини ўтаган. Кейинги сафар 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, амнистия жонига аро кириб, жазодан озод қилинган. Учинчи сафар эса каттагина жарима тўлашига тўғри келган.

У тўртинчи бор суд мажлисида судланувчи сифатида иштирок этди.

— 2017 йилнинг март ойида наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликни экиб парваришладим, — деди у айбига қисман иқрор бўлиб. — Шундан қолган наша баргларини яшириб қўйдим. Аввал банкада сақладим, кейин ерга кўмиб қўйдим. Аммо моғорлаб айниганлиги сабабли гугурт қутиларига ўлчамасдан жойлаб чиқдим. Жами 23 қути бўлди. Қолганини оқ рангли целлофан пакетга солиб, айвоннинг бурчагида рўмолчага ўраб сақладим.

2017 йил декабрь ойларида Ш.Юсупов билан танишиб қолдим. У юк машинаси билан уйимга 100 минг сўмга қум олиб келиб берди. 2018 йил 23 март куни Шаҳрисабз туман прокуратурасига ёзган аризамнинг натижасини билгани бордим. Гиёҳвандлик воситасини доимий истеъмол қилиб юрганлигим сабабли уйимдан узоқроққа чиққан вақтларим чўнтагимда қоғозга ўралган нашани солиб юрардим. Бу сафар ҳам ёнимда экан, буюм бозори орқасига ўтиб, чиқинди тўкилган жойга қоғозга ўралган нашани латтага ўраб, тош тагига яшириб қўйдим. Йўлда Ш.Юсуповни учратиб қолдим. У билан бирга ўтириб ичиб, наша истеъмол қилиб юрардик. "Доридан борми?" деб сўради. Аввал "йўқ" дедим. Эзмаланиб сўрайверганидан кейин яшириб қўйган жойимдан олиб бердим. Пулини олмадим. Шу куни соат тўртларда уйга қайтдим. Икки соатлардан сўнг Ш.Юсупов қўнғироқ қилиб, "Ҳалиги нарсадан топиб бер" деб роса ялинди. Бу сафар йўқ, деб қаттиқ туриб олдим. Яна қўнғироқ қилиб, кўчамнинг бошига келиб кутаётганини айтди.

Уйда турган нашадан озгина олиб чиқиб бердим. Яна текинга бердим. Шу пайт қаердандир пайдо бўлган ИИБ ходимлари мени қўлга олишди. Машинада кетаётган вақтимизда хаёлимга бир фикр келди. Шу сафар эсон-омон қутулсам, ҳаммасидан бир йўла қутулишни ўйлаб, "Уйимда ҳам бор, шуни берсам, менга енгиллик бўладими?" деб сўрадим. Кейин ортга қайтиб, уйимнинг айвонида турган гиёҳвандлик воситаларини ўз хоҳишим билан олиб бордим. Нашани доимий равишда истеъмол қилиб келаман. Сотиш ниятим йўқ эди. Қилмишимдан пушаймонман...

Тавалло қилиб яна суддан енгиллик сўраётган бу шахс тадбирга "харидор" сифатида жалб этилган Ш.Юсуповга қонунга хилоф равишда 0,1 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини 50 минг сўмга, кейинроқ 0,3 граммини 40 минг сўмга сотганини исбот қилиш қийин бўлмади.

Бундан ташқари, Ҳ.Жўраев яшаш уйида гугурт қутиларига жойланган 46,8 грамм марихуана ва целлофан пакетга солинган 18,8 грамм кўкнорини келгусида сотиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келгани аниқланди.

Судга оид наркология экспертизасининг хулосасида Ҳ.Жўраев гиёҳвандлик хасталигига йўлиққанлиги, мажбурий даволанишга муҳтожлиги, аммо вилоят наркология диспансерининг ҳисобида турмаслиги кўрсатилган.

Суд ҳукмига кўра Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан Ҳомид Жўраевга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Тавбасига таянмаган экан

Шавкат САВУРБАЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Озодликка нима етсин. Унинг гаштини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Аммо Суннат Поёнов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кабилар озодликнинг қадрига етмайди. У беш маротаба судланиб, хавфли рецидивист, деган тамғани орттириб олган. Суннат охирги бор жазони ўтаб чиққанидан сўнг таниши Иномни учратиб қолади. Гап орасида Ином унга "марихуана" кераклигини, имкони бўлса топиб беришини айтди.

Буни қарангки, С.Поёнов йўқ, мени бундай ишларга аралаштирма, яқинда озодликка чиқдим, сен ҳам бу ишингни қўй, бунинг охири вой, демади. Бундай гаплар Суннатнинг хаёлига ҳам келмади. Умрининг навқирон йилларини жазони ижро этиш муассасаларида ўтказган бўлса-да, бу одамнинг ҳамон кўзи очилмаган экан.

"Марихуана" ортидан келадиган мўмай пул илинжида С.Поёнов яна бир танишини Ўткир билан кўришди. Ўткир унга бир танишида борлигини айтди.

Ином машинада Суннатникига келди. Ҳайдовчини "укам" деб таништирди. Улар Ўткир билан туман марказидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси ёнида учрашишга келишди. Ўткир ҳам машинасида келди. Суннат ундан 5 дона гугурт қутисига солинган "марихуана" гиёҳвандлик воситасини олиб, Иномга берди. У эса ҳайдовчига узатди. Гугурт қутиларини очиб кўрган ҳайдовчи, пулни бериш учун машинадан тушди. Орқа салонда ўтирган Суннатга пул узатди ва ўзининг ҳуқуқ-тартибот ходими эканлигини айтди.

Буларни кузатиб турган Ўткир қочишга уринди. Аммо узоққа боролмай, қўлга тушди.

Суд ҳукми билан Суннат Поёновга 6 йил, Ўткир Нарзиқуловга эса 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Москвадаги академик Шумаков номли тиббий тадқиқотлар марказида дунёда биринчи марта бир йўла ўпка ва жигар кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

PROKURATURA BYUROSI

FAOLIYATIDAN

Қарзни йўқ қилмоқчи эди

Шавкат РЎЗИБОЕВ,
МИБ Нурафшон шаҳар бўлими бошлиғи

Бюронинг Нурафшон шаҳар бўлими томонидан суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш, қарздорликни қисқартириш, тўловларни ўз вақтида ундириш, ресурслардан ноқонуний фойдаланиш ва талон-торожликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида давлат фойдасига 336 миллион сўмлик турли тўловлар, 1 миллиард 236 миллион сўмлик солиқ қарздорлиги ва 374 миллион сўмлик давлат божи ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, алимент тўловчи қарздорлардан тўловларни ўз вақтида ундириш, имкон қадар оилаларни яраштиришга эришиш давлат ижрочиласосан, фуқаро Д.Юнусовдан ундирувчи З.Худайназарова фойдасига вояга етмаган уч нафар фарзанди таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича тарафлар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 5 йилдан буён бирга яшамаётган оила яраштириб қўйилди.

> *Жорий йилнинг ўтган даврида 70 та оила яраштирилди.*

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида энергия ресурслари, ичимлик суви ва қаттиқ маиший чиқинди тўлови бўйича қарздорлик камайишига эришилди. Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 35 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, битта жиноят иши ва 34 та маъмурий иш қўзғатилди. Мавжуд маълумотларга асосан, бўлим ҳамда тегишли идоралар ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда газ идорасининг собиқ ходими Карим Самадов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро Каромат Муродованинг газдан бўлган 3,4 миллион сўм қарзини компьютердан ўчириб, йўқ қилиб беришни ваъда қилиб, 1,5 миллион сўм пулини олганлиги аниқланди. Бу ҳолатда тўпланган ҳужжатларга асосан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, маълумотларга асосан бўлим ходимлари томонидан Нурафшон шаҳри "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонлардан бири кўздан кечирилганда, газдан 4,9 миллион сўм қарздорлиги учун 2017 йил сентябрь ойида уй тармоқдан узилганлиги, лекин ҳеч қандай тўловлар амалга оширилмасдан газдан яширин равишда ноқонуний фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди. Тўпланган ҳужжатларга асосан фуқаро С.Юнусова маъмурий жавобгарликка тортилди.

> *Газ идорасининг собиқ ходими фуқаронинг газдан бўлган қарзини компьютердан ўчириб юбориш эвазига 1,5 млн. сўм пул олди.*

Ҳуқуқбузарликлар фош этилмоқда

Акмал СИРЛИЕВ,
МИБ Янгиер шаҳар бўлими криминалисти

Бюронинг Янгиер шаҳар бўлими томонидан электр, газ узатиш ва тақсимлаш, водопровод ва канализация тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишнинг қатъий чоралари кўриб келинмоқда. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва ҳудудлардан олиб чиқиш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида тўлиқ ундириш, қарздорликни камайтириш, аҳолини хатлов ва кўрикдан ўтказиш борасида санитария-тозалаш марказлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўтган даврда 112 нафар истеъмолчининг тармоққа ноқонуний уланганги аниқланди. Бу борада тегишли далолатнома расмийлаштирилиб, истеъмолчилар тармоқдан узиб қўйилди. Қайта ҳисоблаш натижаларига кўра, ноқонуний уланиш оқибатида туман электр таъминоти корхонасига 61 нафар истеъмолчи 58 миллион 919 минг сўм, туман газ таъминоти корхонасига 51 нафар истеъмолчи 36 миллион 543 минг сўм миқдорида зарар етказган.

Жумладан, шаҳардаги 2-сонли мактабгача таълим муассасаси текширувдан ўтказилганда, энергия ресурсидан ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётганлиги фош этилди. Боғчада қурилиш ишларини олиб бораётган масъулияти чекланган жамият электр энергиясига ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда уланганги натижасида шаҳар электр тармоқлари корхонаси манфаатларига 1 миллион 867 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

> *Ноқонуний уланишлар оқибатида 95 млн. сўмдан ортиқ зарар етказилган.*

Амир Темур маҳалласи ҳудудида жойлашган "ШЯн" ов қатланиш шохобчасида фойдаланилган электр энергиясидан 2 миллион сўм қарздорлик мавжудлиги аниқлангач, шохобча раҳбариятига тегишли тартибда талабнома берилди. Маълумки, бюро хабардор қилинган пайтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан қарзларни ундириш чораларини кўради. Шу боис ҳам шохобча электр энергияси таъминотидан мажбурий тарзда узилганди. Бироқ, шохобча раҳбарияти муҳрни бузиб, тармоққа ноқонуний равишда уланганлиги аниқланиб, МИБ ходимлари томонидан маъмурий далолатнома тузилди. Ушбу ҳолат юзасидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси 1-қисмида қайд этилган ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жарима қўлланилди.

> *Овқатланиш шохобчасида қарздорлиги учун узиб қўйилган электр тармоғига қайта уланиб олинган.*

Шунингдек, шаҳардаги "Маърифат" маҳалласида фуқаро Ф.Н.нинг хонадонидаги газ ҳисоблагичига ташқи таъсир кўрсатилиб, орқага айлантирилганлиги аниқланди. Содир этилган ҳуқуқбузарлик оқибатида Янгиер шаҳар табиий газ корхонаси манфаатларига 1 миллион 750 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, етказилган зарар ва жарималар тўлиқ ундирилди.

Ҳеч бир йўқотишларсиз муаммо бартараф этилди

Яшин ТЎРАЕВ,
МИБ Китоб туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Шоҳигул Рафиева ва Масъуд Мардиевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) не-не орзу умидлар билан турмуш қуришган эди. Бироқ оилада кетма-кет уч нафар фарзанд туғилса-да, уларнинг турмуши узоққа бормади. Оиладаги арзимас жанжаллар туфайли улар ажрашиб кетишди.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг қарорига асосан, қарздор Мардиев Масъуддан ундирувчи Шоҳигул Рафиева фойдасига 36 миллион 915 минг 321 сўмлик бошқа турдаги ундирув ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари, ижро этиш учун бюронинг Китоб туман бўлимига келиб тушган эди. Шунга кўра қарздордан ундирувчи фойдасига юқоридаги миқдорда кўрсатилган суммани ундириб бериш учун қонуний тарзда ижро иши юритиш белгиланди. Қарздорга 5 кунлик муддат берилган бўлса-да, у қарзини тўламади, тўғрироғи тўлай олмади.

Сабаби бир пайтлари қарздор Масъуд Мардиевнинг номига олинган томорқа ер участкасига ака-укаларнинг ўзаро оғзаки келишувига биноан укаси уй-жой қурган. Барча қурилиш ишларини бекаму кўст битириб, рўзғорини бутлаган. Аммо участка жами қурилган иншоотлари кўрсатилган ва баҳоланган ҳолатда қарздор Масъуд Мардиевнинг номига кадастр ҳужжатларида қонуний расмийлаштирилган. Шу сабабли суднинг эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш ҳақидаги қарори ижро этилишида муаммолар туғилди.

Қарздор укасининг пешона тери эвазига бунёд этган уй-жойи ва мол-мулкидан айрилиб қолишига, укасининг оиласи ва болаларининг тинчлиги ҳамда ҳаловатининг йўқолишига сабабчи бўлиб қолаяпти. Яъни, у яна битта оиланинг ҳаёти барбод бўлиши хавфини юзага келтираяпти.

Яна бир оила бузилиб кетишининг олдини олиш мақсадида, қарздорнинг номида бўлган ўша манзилдаги ашёлар ва моддий қийматликлар ҳисобидан даъвогарга жавобгар томонидан тўланиши керак бўлган қарзнинг маълум бир қисми тўлаб берилди.

Мотопила билан қаршилик кўрсатган зўравон

Маълумки, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бориш, коммунал соҳада тўлов интизомини мустаҳкамлаш вазифаси Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатилган.

Мазкур фаолиятда айрим фуқароларимиз ҳуқуқий маданиятсизлик оқибатида ножуя хатти-ҳаракатларни амалга ошириб, пировардида ўзлари ва оила аъзолари жабр кўришмоқда. Жумладан, Шароф Рашидов туманидан бўлган Ваҳоб Мирзаев ҳам Бюронинг туман бўлими давлат ижрочиларига фаол қаршилик кўрсатиши оқибатида бугун панжара ортида ўтирибди.

МИБ Шароф Рашидов туман бўлими давлат ижрочилари Жиззах вилоят иқтисодий судининг "Мулла" хусусий корхонасидан "Маржона Сарвиноз" МЧЖ фойдасига 36 миллион сўм ижара ҳақи ундириш тўғрисидаги ижро иши бўйича корхонага тегишли тош майдалаш карьерида ижро ҳаракатларини олиб боришади. Улар "ZL-50GL" русумли автоюклагич (малютка)ни хатловга олишаётганида эса корхона қоровули бўлиб ишлаётган В.Мирзаев ишлаб турган бензин двигателли арра (мотопила) билан давлат ижрочисига ташланиб, Бюро ходимини уради.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Шароф Рашидов туман судининг ҳукмига кўра, Ваҳоб Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 219-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилиб, 1 йил озодликдан маҳрум этилди.

МИБ жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

Фирибгарлик оқибати

Дилкашбек ҲАЙДАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош суриштирувчиси

Ўз нафсига эрк берган, одамларнинг соддалигидан фойдаланиб, ўзини ҳожатбардай тутган ҳуқуқбузарнинг қилмишлари фош этилди.

2018 йил декабрь ойининг бошларида Пахтачи туман электр тармоқлари корхонаси муҳандиси Фарҳод Мамаризаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзининг хизмат хонасида фуқаро Н.Қиличевнинг яшаш уйига янги электр ҳисоблагич ўрнатиб бериш ва электр ҳисоблагични туман электр таъминоти корхонасининг маълумотлар базасига киритиб бериш эвазига ундан 404 минг сўм пулни фирибгарлик йўли билан олган.

Бюро ва Департаментнинг Пахтачи туман бўлими ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда муҳандис фуқаро Н.Қиличевдан олган пулни қайтариб берган вақтида ушланган.

Қонунбузарга нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Ўзини МИБ Термиз туман бўлими ходими сифатида таништирган фирибгар Бюронинг Музработ туман бўлими давлат ижрочисини чув туширмоқчи бўлганида қўлга олинди.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида "контрактлар ижросини таъминлаш соҳаси" бўлимида суд ишларини юритиш тизими сифати бўйича келтирилган индекслар (баҳолаш мезонлари) айнан иқтисодий процессуал қонунчилигимизни такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этди. Иқтисодий процессуал қонунчилигимизга ушбу индексларга ва бир қатор халқаро стандартларга тўлиқ мос келувчи айрим норма ва механизмлар киритилди.

СУДГАЧА МАЖЛИС ИНСТИТУТИ

уни жорий қилишнинг афзалликлари

Насимбек АЗИЗОВ,
Бош прокуратура Академияси доценти

Шу билан бирга, миллий қонунчилик ва суд амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган бошқа зарур индекслар ҳам мавжудлигини инобатга олган ҳолда иқтисодий процессуал қонунчиликда "дастлабки судгача мажлисни ўтказиш" ёки "судгача мажлисни ўтказиш" деб номланган бобни киритиш таклиф этилади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берувчи тартиб жорий этилиши белгиланди.

Иқтисодий ишлар бўйича суд амалиёти шуни кўрсатадики, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқ қилиш институти мавжуд эмас. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Иқтисодий процессуал кодексда соддалаштирилган тартибда иш юритиш босқичида ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида, шунингдек, келгусида судгача мажлис институти жорий қилинса, ушбу босқичда ҳам яраштирув тартиб-таомиллари қўлланилиши, яъни келишув битими ёки медиатив келишув тузилиши бўйича ажрим чиқариш мумкинлиги ҳақида норма киритилмаган. Таҳлил натижасида шу нарса аниқландики, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида судья томонидан тарафлар ўртасида келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиш орқали иш юритишни тугатишлари, даъво аризасини кўрмасдан қолдиришларига ҳуқуқий шароит яратиб берилиши мақсадга мувофиқ.

Ишни судга тайёрлаш босқичида судгача мажлисни ўтказиб, унда келишув битими, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ва медиатив келишувлар тузилиши натижасида ёки бошқа ҳолатларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туриш, иш юритишни тугатиш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш каби тартиб-таомилларга рухсат берилиши лозим. Чунки келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида тузилиши мумкин, медиатив келишув ҳам биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади. Даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти, бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ушбу ҳолатда ҳам даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади. Ушбу ҳолатларда даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, судьянинг ҳаракатлари қандай бўлиши кўрсатилмаган.

Қонунчилик таҳлили натижасида шу нарса аниқландики, медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли. Иқтисодий процессуал қонунчиликда медиатив келишувни судга алоҳида ҳужжат тарзида тақдим этиш ва ишга қўшиб қўйиш, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатиш механизмларини аниқ белгилаш лозим. Амалдаги қонунчиликда келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим устидан шикоят (протест) келтириш ҳуқуқи мавжудлиги қайд этилмаганлиги сабабли, тарафлар ва суд ўртасида келишув битимининг қонунийлиги борасида баҳс мавжуд бўлганда, ушбу ажрим устидан шикоят (протест) келтириш ҳуқуқи берилишига ҳуқуқий асос яратилиши мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий процессда ҳам судгача мажлисда, шунингдек, агар ушбу мажлисни ўтказиш имконияти бўлмаганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида судья қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши белгиланиши мақсадга мувофиқ:

1) даъвогарни ўзи арз қилган талабларнинг моҳияти бўйича сўроқ қилади, ундан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътирозларни аниқлайди. Агар зарур бўлса, даъвогарга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади, шунингдек, арз қилинган талабларидан воз кечиш ҳуқуқини ҳамда воз кечишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

2) ишнинг ҳолатлари бўйича жавобгарни сўроқ қилади, даъвогарнинг талабига қарши унинг қандай эътирозлари борлигини ва бу эътирозлар қандай далиллар билан тасдиқланиши мумкинлигини аниқлайди. Шунингдек, жавобгарга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши талаблар қўзғатиш ҳуқуқини тушунтиради, алоҳида мураккаб ишлар бўйича эса, жавобгарга иш юзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишни таклиф қилади. Жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, у томонидан ёзма тушунтиришлар ва далиллар тақдим этилмаганлиги ишни мавжуд далиллар асосида кўришга тўсқинлик қилмайди;

3) учинчи шахсларни сўроқ қилади;

4) тарафлар ўртасида келишув битими тузиш эҳтимолини аниқлайди ва келишув битимининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради, шунингдек, тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса, иш юритишни тугатади;

5) тарафлардан медиатив келишув тузиш эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради, шунингдек, агар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув тузилган бўлса, иш юритишни тўхтатади ёки медиатив келишув тузилса, даъво аризасини кўрмасдан қолдиради;

6) тарафлар ўртасидаги низони ҳал қилишни ҳакамлик судига кўриш учун топшириш, яъни ҳакамлик битими тузиш бўйича тарафлар келишувини тузиш ҳамда судгача ва суддан ташқари ҳал этиш эҳтимолини аниқлайди, уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради. Шунингдек, тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса, иш юритишни тугатади;

7) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса, иш юритишни тугатади;

8) жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса, иш юритишни тугатади.

Амалдаги иқтисодий процессуал қонунчилигимизда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан туриб ҳаракатларни амалга ошириши аниқ қайд этилмаган. Агар судгача мажлис институти қонунчиликка киритилса, унинг муддати қанча бўлади, деган табиий савол туғилади. Суд муҳокамасига тайёрлаш ариза судга келиб тушган кундан эътиборан беш кунни ташкил этишини ҳисобга олиб, ушбу муддатга яна беш кун қўшиш лозим. Ҳозирда суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши керак ва биринчи суд мажлиси йигирма кун ўтмасдан ўтказилиши лозим. Шунда судгача мажлис жараёни билан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жами ўн кундан кўп бўлмаган муддатни ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Албатта, тарафларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бошқа жараёнларни ҳамда маълумотларни ўз ичига олган судгача мажлис ўтказилганлиги тўғрисида қисқа баённома тузилиши таклиф этилади. Ҳаттоки, судгача мажлисга тарафлар келмай қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда умумий тартибда баённома тузилмасдан, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичидаги ҳаракатлар билан давом эттириш мақсадга мувофиқ.

> *Қонунчиликда суд муҳокамасини кейинга қолдиришнинг аниқ муддати белгиланмаган.*

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, судгача мажлис ўтказиш соддалаштирилган тартибда иш юритиш жараёнида ҳам қўлланиладими ёки йўқми, буни қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтиш зарур. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида тарафлар судга чақирилмасдан суд муҳокамаси ўтказилмаслиги сабабли судгача мажлиснинг ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас. Муаллиф томонидан аввалги тадқиқот ишларида суд муҳокамасини кейинга қолдириш муддати қонунчиликда белгиланмаганлиги таъкидланган ва таклиф сифатида ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатгагина қолдириш фикри билдирилган. Бироқ ҳозирги кунда ушбу масала ўз долзарблигини кўрсатмоқда ва қонунчиликда суд мажлиси неча маротаба қолдирилса ҳам (албатта, қандайдир чегарасини белгилаш лозим) суд муҳокамаси учун белгиланган муддат ичида бўлиши, яъни кейинга қолдиришнинг муддатини кўпи билан ўн кун этиб белгилаш ва кўпи билан неча маротаба қолдирилишини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига судгача мажлисни ўтказиш тартиби ва механизмларини киритиш иш учун зарур ҳолатларни аниқлаш имкониятини беради. Бу эса иқтисодий ишларни тўғри ва ўз вақтида ҳамда қисқа муддатларда кўриб чиқиб ҳал этиш, процесс иштирокчиларининг қимматли вақтини, хусусан, ортиқча суд харажатларини тежашга хизмат қилади.

Келгуси сонда ▶

Долзарб мавзу

НИМА УЧУН ДОРИХОНАЛАРДА БИР ТУРДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТУРЛИЧА НАРХЛАРДА СОТИЛМОҚДА. БУ БОРАДАГИ НАЗОРАТ НЕГА СУСТЛАШГАН?..

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxongir MIRSAFAYEV
Surayyo RAHMONOVA
Baxtiyor NAZAROV
Kamoliddin ASQAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[1] — tijorat materiali.

Buyurtma v-3346.
19 610 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004

Товар хом ашё биржасининг маълумотига кўра, 15-21 апрель кунлари онлайн аукцион орқали 728 та автомобиль рақамлари 2,9 миллиард сўмга сотилган.

Эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши тенглаштирилади

«Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» каналида хабар берилди.

Қарорга мувофиқ қуйидагилар белгиланди:

— ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган, васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш ҳуқуқи берилади;

— болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади;

— болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди;

— 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли;

— болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди.

Қарорга асосан 2019 йил 1 сентябрдан эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди.

Бундан ташқари, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратилади.

Давлат статистика қўмитасига оналик ва болаликка оид статистик маълумотларни «stat.uz» веб-сайтига жойлаштириш ва маълумотларни доимий равишда янгилаб бориш вазифаси юкланди.

«Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилади.

Энг серёмғир апрель 1990 йилда кузатилган

Айни вақтда юртимизда юз бераётган ёмғирли кунлар кимнидир суюнтираётган бўлса, бошқа бир соҳа, мисол учун ғаллакорларни қувонтираётгани йўқ. Ваҳоланки, серёмғир кунлар даладаги ҳосилнинг сифатига салбий таъсир қилиши мумкин.

Аслида ҳам апрель ойи ёмғирли об-ҳавоси билан бошқа ойларга нисбатан ажралиб турибди. Баъзи кунларда айрим жойларга кучли жала ёмғирлар ёққанининг гувоҳи бўлдик. Аслида апрель ойидаги бундай ёғинларни аномал, ғайриоддий ҳодиса деб бўлмасада, бундай серёмғир апрель 4-5 йилда бир кузатилади. Хўш, келгуси кунларда ҳам мана шундай ёмғирли кунлар давом этадими?

"Ўзгидромет" марказидан маълум қилишларича, ойнинг бошидан буён то ҳозирги кунгача юртимизнинг шимолий туманлари ва Фарғона водийсидан ташқари барча ҳудудларнинг катта қисмида 10 кундан 15 кунгача турли жадалликдаги ёмғирли кунлар кузатилган. Натижада ёққан ёғинлар миқдори ойлик меъёрдан ошиб кетган. Мисол учун, Бойсун туманида икки сутка давомида ёққан ёмғир миқдори деярли икки ойлик меъёрдан ошиб кетди.

Тошкентда эса 19 апрель куни кундузи ва 20 апрель куни кечаси, яъни сутка давомида ёққан ёмғир апрель ойи нормасининг ярмини ташкил қилди.

Бундай ёмғирли об-ҳавонинг сабаби нимада? деган саволимизга мутахассислар деярли бутун ой давомида Ўзбекистон ҳудуди устида жанубда ҳосил бўлган нам ҳаво оқимлари Россиянинг Европа ҳудудидан кириб келгани ва у нисбатан совуқ ҳаво оқимлари билан доимий равишда қўшилиб турди деган жавобни берди. Ҳаво оқимларининг бундай бир-бирига қўшилиши эса кучли жала ҳосил бўлиши учун қулай шароит яратар экан.

Маълумотларга кўра, бундан олдин энг нам апрель Тошкентда 1990 йилда кузатилган экан. Ўшанда бир ой давомида ёққан ёмғир деярли 3 ойлик меъёрни ташкил қилган. Бунда ярим ойлик ёғинлар бир куннинг ўзида ёққан экан.

25 апрелдан бошлаб, май ойига қадар ёғингарчиликсиз об-ҳаво бўлиши кутилмоқда.

ЎзА

Гимнастикачиларимиз Жаҳон кубоги совриндори

Пойтахтимизда ташкил этилган бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги якунланди.

Ўзбекистон, Арманистон, Австралия, АҚШ, Беларусь, Болгария, Чехия, Миср, Малайзия, Молдова, Мексика, Италия, Исроил, Латвия, Норвегия, Россия, Словения, Таиланд, Украина, Эстония, Япония, Қирғизистон ва Қозоғистон каби давлатлардан 73 нафар кучли гимнастикачи яккалик ва гуруҳ баҳсларида ўзаро рақобатлашди.

Гуруҳ баҳсларининг 3 ҳалқа ва 2 жуфт булавада бажарган машқида Россия термаси 1-ўринни эгаллади. 5 та коптокда машқ бажаришда украиналик гимнастикачилар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Гуруҳлар ўртасидаги кўпкураш баҳсларида Динара Равшанбекова, Софиябону Қосимова, Камола Ирназарова, Ксения Александрова, Севара Сафоевадан ташкил топган Ўзбекистон терма жамоаси бешта коптокда ва 3 халқа ҳамда 2 жуфт булавада машқ бажаришда кумуш медални қўлга киритди. Мазкур йўналишда Россия терма жамоаси олтин, Украина термаси эса бронза медалига сазовор бўлди.

Яккаликлар ўртасидаги алоҳида предметларда машқ бажаришда россиялик Александра Солдатова ҳамда Анастасия Гузенковага тенг келадигани топилмади. Александра коптоқ, халқа ва булавада машқ бажариш бўйича ўтказилган мусобақаларда барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медални қўлга киритган бўлса, Анастасия тасмада тенгсиз эканини яна бир бор барчага исботлади.

Кўпкураш баҳсларида ҳам А.Солдатова ўзининг навбатдаги олтин медалини қўлга киритди.

Дўсматов "эски таниши"га ютқазди

Бангкокда ўтаётган бокс бўйича Осиё чемпионатининг тўртинчи кун дастурида Ҳасанбой Дўсматов ҳиндистонлик Амит Пангалга қарши чорак финал жанги учун рингга кўтарилди.

— 52 кг вазн тоифасидаги баҳсларда тажрибали рақибга қарши жанг Дўсматовнинг мағлубияти билан якунланди ва у турнирни эрта тарк этадиган бўлди.

Қайд этиш керакки, Амит Ҳасанбой Дўсматов учун жиддий рақиб ҳисобланарди. Ҳасанбой бу 22 ёшли боксчи билан бир неча бор тўқнаш келган, 2017 йили Гамбургда ўтказилган жаҳон чемпионатида чорак финалдаги ўзаро жангдан кейин ҳам уни ўзи учун "ноқулай рақиб" сифатида атаганди. Бу икки боксчи 2017 йили Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам ўзаро жанг қилган ва ўзбекистонлик спортчи қийинчилик билан ғалаба қозонганди. 2018 йилги Осиё ўйинларида эса Амит финалда ғалабага эришиб, Ҳасанбой Дўсматовни олтин медалдан маҳрум қилганди.

Мбаппе Болтдан ҳам тезроқ

Франция чемпионатининг 33-турида "ПСЖ" клуби ўз майдонида "Монако" жамоасини қабул қилиб, Мбаппенинг хет-триги эвазига ғалаба (3:1) қозонди.

Мбаппе мазкур учрашувдаги биринчи гол юзага келаётган вазиятда майдонни 38 км/соат тезлик билан босиб ўтиб, жамоадошининг пасидан сўнг дарвозани ишғол этган. Бу билан у тезликда Болтни ҳам ортда қолдирди.

Эслатиб ўтамиз, дунёга машҳур спринтер ямайкалик Усэйн Болт 100 метр масофани 37,58 км/соат тезлик билан югуриб, жаҳон рекордини ўрнатганди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Баҳодир Байзаковга акаси

Шуҳрат БАЙЗАКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Жиззах вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Шавкат МАРДОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси бўлим катта тафтишчиси

Анваржон ИСАКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси жамоаси Бюронинг бўлим катта инспектори Шоҳруҳ Умаралиевга акаси

Нодирбек УМАРАЛИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ОЧЛда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Локомотив" клуби дуранг ўйнади, "Пахтакор" жамоаси эса мағлубиятга учради.